



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА МУРОЖААТ

Қадрли ватандошлар!

Маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош Ассамблеясининг 1992 йил 14 октябрдаги резолюциясига мувофиқ, ҳар йил 3 декабрь санаси бутун дунёда **Халқаро ногиронлар куни** сифатида нишонланиб келмоқда.

Бундан қўзланган асосий мақсад — ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ҳимоя қилиш, уларнинг муаммоларига кенг жамоатчилик эътиборини жалб этишдан иборат.

Эзгулик, меҳр-оқибат, инсонпарварлик тимсоли бўлган ушбу айёмда мамлакатимиздаги **бир миллионга яқин** имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган фуқароларимизга ҳурмат-эҳтиром ва эзгу тилакларимни билдираман.

Меҳр-мурувватли ва бағрикенг халқимиз азал-азалдан ёрдамга муҳтож, имконияти чекланган инсонларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишни жамиятда тинчлик, дўстлик ва ҳам-жиҳатлини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган энг муҳим қадриятлардан бири сифатида эъзозлаб келади.

Ана шундай эзгу анъаналаримизни бугунги замон талаблари асосида ривожлантириш мақсадида сўнгги йилларда мамлакатимизда **имконияти чекланган фуқароларимизни қўллаб-қувватлаш, улар учун зарур барча шароитларни яратиш борасидаги давлат сиёсати янги босқичга** кўтарилмоқда.

Бунинг тасдиғини “**Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида**”ги қонун қабул қилингани, мамлакатимиз **Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияга** қўшилгани, соҳада мустаҳкам қонуний база яратилгани мисолида кўриш мумкин.

Шу асосда имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамиятдаги мавжуд имкониятлардан фойдаланиш, ҳаракатланиш, соғлиқни сақлаш, таълим, бандлик, реабилитация, сиёсий-ижтимоий ҳаётда иштирок этиш билан боғлиқ ҳуқуқлари таъминланмоқда.

Бу борада “**Инсон қадрли учун**” тамойили асосида Янги Ўзбекистонда **инклюзив ривожланиш, яъни аҳолининг барча қатламлари учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлашга** қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётгани муҳим роль ўйнамоқда.

Биз ушбу йўналишда **ногиронлиги бўлган инсонлар — жамиятнинг тўлақонли аъзолари, деган тамойилга** амал қилган ҳолда изчил иш олиб бормоқдамиз.

Чиндан ҳам, биз барпо этаётган янги, эркин ва демократик давлатда жамиятнинг ҳар бир аъзоси билим олиш, замонавий касб-ҳунарларни эгаллаш, ўз истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш, меҳнат билан банд бўлиш учун зарур имкониятларга эга бўлиши шарт.

Биз учун ногиронлиги бўлган инсонларни ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларига жалб этиш устувор йўналиш ҳисобланади. Яқинда бўлиб ўтган Президент сайловида шу масалаларга алоҳида эътибор қаратилиб, ногиронлиги бўлган шахслар сайлов участкаларига келиб-кейтишлари учун зарур шароит яратилгани, Брайль алифбосида сайлов бюллетенлари тайёрлангани, сайлов участкалари пан-дуслар билан жиҳозлангани уларнинг сиёсий-ижтимоий жараёнларда фаол иштирок этишларини таъминлаш йўлида муҳим қадам бўлганини халқаро ва хорижий кузатувчилар ҳам эътироф этдилар.

Имконияти чекланган фуқаролар учун яратилаётган шароитлар ҳақида гапирганда, сўнгги икки йилда пенсия ва нафақа олувчи ногиронлиги бўлган шахслар сони **100 минг нафарга** кўпайиб, уларнинг миқдори қарийб **2 баробарга** оширилганини таъкидлаш лозим. Шунингдек, барча ҳудудларда “**Саховат ва кўмак**” **умуммиллий ҳаракати** доирасида ҳамда “**темир дафтар**”, “**аёллар дафтари**” ва “**ёшлар дафтари**”га киритилган имконияти чекланган юр-додошларимизга манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизими йўлга қўйилди.

Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳаётга мослаштириш ва ижтимоий реабилитация қилиш борасида ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда. Масалан,

кейинги йилларда 27 та тиббий-ижтимоий муассасалар реконструкция қилиниб, замонавий талабларга мос бўлган 1,5 мингта даволаш-реабилитация ўринлари фойдаланишга топширилди.

Ана шундай фуқароларимизга **бепул бериладиган протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларининг** рўйхати **22 турдан 27 тагача** кўпайтирилди. Хусусан, жорий йилнинг ўзида ногиронлиги бўлган болаларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш мақсадида улар бюджет маблағлари ҳисобидан қарийб 40 миллиард сўмлик протез-ортопедия ва реабилитация мосламалари, кохлеар имплантлар ҳамда бошқа махсус буюмлар билан таъминланди.

Бундан ташқари, халқ таълими тизимида инклюзив таълимни ривожлантириш дастурини амалга ошириш ишлари бошланди, 300 дан ортиқ мактабларда имконияти чекланган болаларнинг билим олиши учун зарур шароитлар яратилди.

Ҳақиқий матонат эгаси бўлган ногирон йигит-қизларимизнинг **жаҳон майдонларида юқори натижаларни қўлга киритиб, Ватанимиз байроғини баланд кўтариб келаётганлари барчамизга чексиз ғурур-ифтихор бағишлайди**. Жумладан, шу йил Токиода ўтказилган Паралимпия ўйинларида Ўзбекистон вакиллари **8 та олтин, 5 та кумуш ва 6 та бронза** медалларини қўлга киритгани ҳар қандай таҳсин ва тасанноларга муносибдир.

Таъкидлаш жоизки, 3 декабрь санаси бутун дунёда паралимпиячиларни шарафлайдиган айёмга айланиб бормоқда. Шунинг учун ҳам азму шижоатли паралимпиячи спортчиларимизни яна бир бор чин дилдан қўлаб, уларга халқаро майдонларда юксак чўққиларни забт этишда янги муваффақиятлар тилаб қоламан.

Ҳаётнинг бошқа соҳаларида ҳам юксак марраларни эгаллашга қодир бўлган ёшларимиз ўз қобилият ва имкониятларини тўлиқ намоён этиши, ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топишига кўмаклашиш — бундан буён ҳам биз учун устувор вазифа бўлиб қолади.



Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг таклифига биноан 5-6 декабрь кунлари давлат ташрифи билан Қозоғистонда бўлади.

Ташриф дастурига мувофиқ, Нур-Султон шаҳрида олий даражадаги учрашув ва музокаралар бўлиб ўтади, уларда биродар халқларимиз ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш йўллари кўриб чиқилади.

Сиёсий мулоқот ва савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, энг аввало, иқтисодиётнинг турли тармоқларида амалий алоқалар ва аниқ кооперация лойиҳаларини илгари суриш, шунингдек, маданий-гуманитар алмашинув дастурларини фаоллаштиришнинг

долзарб масалалари ҳам кун тартибига киритилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ва Қозоғистон етакчилари халқаро масалалар юзасидан фикр алмашадилар ва минтақавий интеграциянинг асосий йўналишларини муҳокама қиладилар.

Саммит якунида салмоқли икки томонлама хужжатлар тўпламини имзолаш режалаштирилган.

Ташриф арафасида Нур-Султонда икки мамлакат етакчи компания ва тадбиркорлари иштирокида бизнес-форум ҳам ўтказилади.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ТЕРМИЗ МУҲАНДИСЛИК- ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Республикада маҳаллий ишлаб чиқариш, саноат корхоналари, геология ва кончилик тармоқлари учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш, ўқув жараёнига ўқитишнинг инновацион шакл ва методлари ҳамда замонавий педагогик ва ахборот технологияларини кенг жорий этиш, шунингдек, ҳудудларда замонавий фикрлайдиган, рақобатбардош мутахассисларга бўлган эҳтиёжни босқичма-босқич қондириб бориш мақсадида:

1. Тошкент давлат техника университети Термиз филиали негизига **Термиз муҳандислик-технология институти** (кейинги ўринларда — Институт) ташкил этилсин.

2. Қуйидагилар Институтнинг асосий фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

маҳаллий ишлаб чиқариш, саноат корхоналари, геология ва кончилик тармоқлари эҳтиёжларидан келиб чиқиб, меҳнат бозорида рақобатбар-

дош олий маълумотли мутахассислар ва илмий-педагогик кадрларни, шунингдек, **замонавий технологиялар бўйича чуқур билимга эга мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича** узлуқсиз таълим тизимини яратиш;

етақчи хорижий олий таълим муассасалари билан қўшма таълим дастурлари ва илмий лойиҳаларни жорий этиш, Институт профессор-ўқитувчиларининг малакасини ошириш, битирувчиларнинг республика ва хорижий олий таълим муассасаларида (илмий марказларда) **магистратура ва докторантура дастурлари бўйича тахсил олишларини ташкил этиш**;

ўқув жараёнига илғор хорижий тажрибани, жумладан, замонавий таълим технологияларини татбиқ этиш, очиқ ахборот-таълим муҳитини таъминлаш;



Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ МАҲАЛЛАДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ БЎЙИЧА ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини амалга оширишга молиявий кўмаклашиш, уларнинг даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш, маҳаллабай ишлаш тизимини янги босқичга олиб чиқиш орқали камбағалликни қисқартириш, республика, вилоят, туман ва шаҳарларда кўрсатиладиган давлат хизматлари ва манзилли молиявий қўллаб-қувватлаш инструментларини

бевосита маҳалла даражасига тушириш мақсадида:

1. **2022 йил 1 январдан бошлаб** ҳар бир шаҳарча, қишлоқ, овулда, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ҳамда овуллардаги ҳар бир маҳаллада (кейинги ўринларда — маҳаллалар) **тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг ёрдамчиси**

(кейинги ўринларда — ҳоким ёрдамчиси) лавозими таъсис этилсин.

2. Қуйидагилар ҳоким ёрдамчиларининг **асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари** этиб белгилансин:

маҳалладаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатни **хонадонбай** ўрганиш, жумладан, аҳолининг бандлик даражасини, оилаларнинг даромад манбаларини, томонорқа ерларидан фойдаланиш ҳолатини ҳамда даромадли меҳнатга бўл-

ган интилиши ва эҳтиёжларини таҳлил қилиш;

маҳаллада тадбиркорликни ривожлантиришнинг ички имкониятлари, тадбиркорлик бўйича ихтисослашув ва меҳнат ресурсларини инobatта олган ҳолда, уни ривожлантиришга туртки берадиган омиллар ва йўналишларини белгилаш, уларни ишга солиш орқали **маҳалланинг иқтисодий ривожланишини** таъминлаш;



Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

МАҲАЛЛАДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 декабрдаги “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПФ-29-сон фармонида мувофиқ, шунингдек, маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимларининг ёрдамчилари (кейинги ўринларда — ҳоким ёрдамчилари) фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида:

1. Ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш бўйича **республика комиссияси** (кейинги ўринларда — Республика комиссияси) ташкил этилсин, унинг таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика комиссияси (Кўчқоров) **бир ҳафта мuddатда** ҳоким ёрдамчилари фаолиятини самарали ташкил

этиш мақсадида иқтисодиёт ва инвестиция комплексларига кирувчи вазирлик, идоралар, тижорат банкларининг масъул ходимларини (кейинги ўринларда — **республика вакиллари**) ҳар бир туман ва шаҳарга бириктирсин, уларнинг иш жойи, ойлик иш ҳақи ва бошқа ижтимоий тўловларини сақлаб қолган ҳолда, бириктирилган ҳудудга бир йиллик хизмат сафарига юборилишини таъминласин.

Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бошқармалари ҳамда маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш марказлари (кейинги ўринларда — марказлар) Республика комиссияси ва республика вакилларининг **ишчи органлари** этиб белгилансин.



Давоми 3-бетда

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН — ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ОРЗУСИ

халқимизнинг яратувчанлик шижоати, хоҳиш-истаклари ифодаси

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила НОРБОЕВАнинг “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари бош муҳарририга интервьюси

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи — ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ шарҳи

— Танзила Камаловна, халқимиз хоҳиш-иродасини ва орзу-умидларини, интилишларини рўёбга чиқариш, манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш демократик ҳуқуқий давлат, очиқ фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим шартидир. Шу маънода, ўтган беш йилликда давлат ва жамият қурилиши тубдан ўзгарди. Бу борада Президентимиз белгилаб берган Ҳаракатлар стратегияси муҳим аҳамият касб этди. Бугун сиз билан ўзига хос ноёб бу стратегиянинг биринчи йўналиши ҳақида гаплашаск. Айтингчи, ўтган беш

йилда давлат ва жамият қурилишида қандай муҳим ўзгаришлар рўй берди? Бу ўзгаришларнинг халқимиз ҳаётида тутган ўрни қандай бўлди?

— Жуда ўринли ва долзарб саволни ўртага ташладингиз. Дарҳақиқат, ўтган беш йилда Президентимиз раҳбарлигида оламшумул тарихий ривожланиш даврида яшадик, халқимиз ҳаёти тубдан ўзгарди. Бугун, янги тарақиёт даврида ана шу янгиланишлар ва тадрижий юксалиш моҳияти ҳақида гапириш, мушоҳада юритиш ҳар биримизга фахр бағишлайди.



Давоми 4- ва 5-бетларда



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА МУРОЖААТ

Бошланиши 1-бетда

Шу мақсадда ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар ўзларини жамиятнинг ажралмас қисми сифатида ҳис этиб яшашлари учун уларга қўшимча шарт-шароитларни яратишга қаратилган алоҳида дастур қабул қилиб, уни албатта амалга оширамиз.

Ушбу дастурнинг мазмун-моҳияти **Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадлари** билан ҳамоханг бўлиб, унда ногиронлиқни белгилашда тиббий ёндашувдан ижтимоий ёндашувга ўтиш асосий вазифа сифатида белгиланади.

Энди **ногиронлиги бўлган шахслар — “муаммоси бор инсонлар”** деган қарашдан **воз кечиб, уларнинг имкониятини кенгайтириш учун, аввало, ижтимоий-иқтисодий тизимни такомиллаштириш** йўлидан боришимиз зарур.

Шунинг учун дастурда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилади.

Биринчидан, ногиронлиги бўлган ёшларга **барча даражада сифатли таълим олиши учун тенг имкониятлар яратилади.**

Жумладан, келгуси ўқув йилидан бошлаб алоҳида таълим олишга эҳтиёжи бор болаларнинг **24 фоизи**, 2025 йилда эса **40 фоизи оддий мактабларда** ўқиши учун барча шароитлар яратилади. Шунингдек, **инклюзив таълим**нинг ресурс марказлари сони **14 баробарга** кўпайиб, **200** тадан ошади.

Иккинчидан, ногиронлиги бўлган шахсларни **касб-хунарга ўқитиш** ва улар учун **муносиб иш ўринларини яратиш** орқали уларнинг даромадини кўпайтиришга қаратилган чора-тадбирлар янада кучайтирилади. Бу борада уларни замонавий касб-хунарга ўқитиш бўйича махсус дастурлар ишлаб чиқилади.

Шунингдек, ҳар бир инсон учун давлат ҳисобидан касб-хунар ўрганиш имконияти яратилади, шу мақсадда ажратиладиган маблағлар **2 баробарга** оширилади.

Барча даражадаги давлат идораларига имконияти чекланган фуқароларни улар учун мос келадиган ишга қабул қилишда устунлик ва имтиёз берилади.

Бундан ташқари, тадбиркорларнинг **ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилиш борасидаги ташаббуслари** қўллаб-қувватланиб, уларни рағбатлантириш чоралари кўрилади. Жумладан, бундай тадбиркорлар ва ишга қабул қилинган фуқароларга қўшимча солиқ имтиёзлари берилади ва давлат томонидан субсидиялар ажратилади.

Учинчидан, ногиронлиги бўлган шахсларнинг саломатлигини асраш, уларга тиббий хизматлар кўрсатиш ишлари тизимли равишда давом эттирилади.

Ногиронлиги бўлган болаларни соғломлаштириш учун Республика болалар тиббий реабилитация маркази ва унинг ҳудудий филиаллари ташкил этилади.

Шунингдек, ҳар йили 2 минг нафар болада тўғма юрак нуқсони ва бош миёдаги патологик ўзгаришлар бўйича жарроҳлик амалиётини ўтказиш белгиланмоқда.

Тўртинчидан, имконияти чекланган фуқаролар мамлакатимизнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётида фаол қатнашиши учун “тўсиқсиз муҳит”, яъни қўлай шароит яратилади.

Жумладан, янги барпо этиладиган давлат идоралари бинолари, ижтимоий объектлар, боғ ва парклар, жамоат транспортда махсус инфратузилма яратиш, давлат хизматлари кўрсатиш тизимини ногиронлиги бўлган шахсларга мослаштириш бўйича чоралар кўрилади, улар учун махсус ахборот порталлари, телекўрсатувлар, адабиётлар ва кутубхоналар сони кўпайтирилади.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида барпо этилаётган “**Янги Ўзбекистон**” **массивларида** ногиронлиги бўлган шахсларга уй-жой шароитларини яхшилаш учун субсидия ва имтиёзли кредитлар берилади.

Энг муҳими, барча даражадаги раҳбарлар ва давлат идоралари масъуллари томонидан ногиронлиги бўлган шахсларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал қилиш бўйича доимий мулоқот тизими йўлга қўйилади.

Бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман: жамиятимизнинг энг эҳтиёжманд қатламларидан бири бўлган ногиронлар билан боғлиқ фаолиятимизни танқидий қайта кўриб чиқар эканмиз, бу инсонлар ҳам мамлакатимиз фуқаролари, бизнинг юртошларимиз эканини, бинобарин, ҳеч қачон ўзларини ёлғиз ҳис этмасликлари, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётимизда фаол иштирок этишлари учун бундан буён ҳам барча куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз. Бир сўз билан айтганда, **Ўзбекистонда ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмайди.**

Ишончим комил, 3 декабрь — Халқаро ногиронлар куни мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида мустаҳкам ўрин эгаллаб, жамиятимизда эзгулик, меҳр-оқибат, гуманизм ғояларини янада чуқур қарор топтиришга хизмат қиладиган муҳим саналардан бири бўлиб қолади.

Биз бу борада сиз, азиятларга — кўпни кўрган отахон ва онахонларимизга, хурматли хотин-қизларимизга, ҳаётга дадил кириб келаётган навқирон ёшларимизга, доимо эзгу ва савоб ишлар қилиб яшашга интиладиган бутун халқимизга таянамиз.

Миллати, тили ва динидан қатъи назар, инсон қадр-қиммати ва шаънини улуглаш, ҳар бир фуқаро ҳақида эътибор ва ғамхўрлик, меҳр-мурувват, саховат ва олижаноблик биз кураётган Янги Ўзбекистон жамиятининг ҳаёт қондаси бўлиб қолади.

Барчангизни ана шундай олижаноб ишларда фаол иштирок этишга даъват этаман.

Чуқур ҳурмат-эҳтиром билан,

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ТЕРМИЗ МУХАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

ўқув жараёнини талабаларда мустақил таълим олиш, тизимли таҳлил қилиш, ижодий фикрлаш ва амалий, жумладан, тадбиркорлик қўнимчаларини шакллантиришга йўналтириш;

амалий илмий-тадқиқот ишларини бажариш учун замонавий ўқув ва илмий-лаборатория базасини шакллантириш, уни илғор технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ҳамда ўқув ва илмий лойиҳаларни амалга ошириш;

амалий ва фундаментал илмий-тадқиқот ишлари ҳамда инновация лойиҳаларни амалга оширишнинг йўлга қўйиш, тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш, шунингдек, таълим олувчиларнинг инновация ғояларини амалга ошириш учун грантлар жалб этиш.

3. Қуйидагилар:

2025 йилга қадар Термиз муҳандислик-технология институтини ривожлантириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар дастури 1-иловага мувофиқ;

Термиз муҳандислик-технология институтини 2025 йилга қадар ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки:

Институт **давлат олий таълим муассасаси** ҳисобланади ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида фаолият юритади;

Тошкент давлат техника университети Термиз филиали талабалари таҳсил олаётган **бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича Институтда ўқиниш давом этиради** ҳамда уларга ўқиш якуни бўйича Институт дипломи берилади;

Институтта талабаларни қабул қилиш сони ҳар йили тасдиқланадиган республика олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат бююртмаси ва қўшимча қабул параметрларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади;

Институт Тошкент давлат техника университети Термиз филиалининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

5. Институтга қуйидаги ҳуқуқлар берилсин: халқаро эътироф этилган ташкилотларнинг амалдаги рейтингда олий таълим муассасалари орасида **биринчи 1 000 та-ликка** кирган **ҳорижий олий таълим муассасасининг дастури асосида ўз таълим дастурларини шакллантириш**;

иш берувчилар талабаларни инobatта олган ҳолда ўқув режаларидаги **назарий**

таълим улушини қисқартириш ҳисобига амалий машғулотлар ҳажмини ошириш, ҳафтада бир кунлик амалиёт тақрибасини қўллаш;

Институт фаолияти йўналишлари бўйича **маслаҳат ва эксперт-таҳлилий хизматларни шартнома асосида кўрсатиш**, шунингдек, тақдим этиладиган хизматларни самарали амалга ошириш учун **илмий-тадқиқот ва инновация хизмат кўрсатувчи корхоналарни ташкил этиш**; **шаффофлик тамойиллари асосида ҳорижий мутахассисларни жалб қилиш** ҳамда уларга меҳнат босибиринг амалдаги конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда Институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ойлик маош ҳамда бошқа тўловларни белгилаш ва тўлаш;

профессор-ўқитувчиларни ўқув-методик, илмий-тадқиқот ишлари ва “ўстоз-шогирд” тизими бўйича бажарган ишларининг натижаси бўйича рағбатлантириб бориш.

6. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

а) икки ой муддатда:

Институтни танлов асосида ишлаб чиқариш ташкилотлари, олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида **катта илмий ва амалий тажриба орттирган мутахассислар**, устувор равишда, **илмий даражага эга бўлган юқори малакали кадрлар билан тўлдириш** чорасини кўрсин;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Фанлар академияси билан биргаликда Институтнинг ихтисослашган факультет ва кафедраларини мос йўналишлари бўйича давлат улушига эга **йирик ҳўжалик юр-тувчи субъектлар ва илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш бўйича “йўл харитаси”**ни тасдиқласин;

б) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Инновация ривожланиш вазирлиги билан биргаликда **Институтнинг илмий салоҳиятини ошириш мақсадида 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб етакчи олий таълим муассасаларида тегишли магистратура мутахассисликлари ва 2023 йилдан бошлаб таянч докторантурада кадрларни мақсадли тайёрлаш** чораларини кўрсин;

в) Институт учун бино ва иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш ишларини ҳар йилги

Инвестиция дастурида соҳага ажратилган лимитлар доирасида амалга ошириш юзасидан тақлифлари Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига киритиб борсин.

7. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги Институт фаолиятини самарали ташкил этиш учун бошқа ҳудудлардан жалб этилган профессор-ўқитувчиларни уй-жой билан таъминлаш мақсадида Институтга яқин ҳудудда жойлашган кўп қаватли уй-жойлардан хизмат уйлари Институтга текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратсин.

8. Институт фаолияти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблағлари, талабаларни тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар, ҳўжалик фаолияти ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриятлари, халқаро молия ташкилотларининг грантлари ҳамда қонунчилик ҳўжатлари билан тақиякланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилиши белгилансин.

9. Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 288 “а-” уй манзилида жойлашган бино ва иншоотлар тегишли ҳудуди билан бирга Институтга оператив бошқарув ҳуқуқи асосида текин берилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 3-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 июлдаги “Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Термиз филиали фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3101-сон қарори ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

12. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

бир ой муддатда Институтнинг тузилмаси ва устави тасдиқланишини ҳамда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

икки ой муддатда қонунчилик ҳўжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Х.Тошқулов ҳамда Сурхондарё вилояти ҳокими Т.А.Боболов белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

МАҲАЛЛАДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ БЎЙИЧА ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

доимий даромад манбаига эга бўлмаган ва ишсиз аҳолининг, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларнинг қизиқишларини ўрганиш орқали уларни **касб-хунар ва тадбиркорликка ўргатувчи ўқув марказларига йўналтириш** ҳамда ўқиниш тамомлаган битирувчиларнинг бандлигини таъминлашга ёрдам бериш;

маҳалладаги мавжуд бўл иш ўринларини ҳамда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг мавсумий ишчиларга бўлган талабини аниқлаш орқали ишсизларни, биринчи навбатда, **“темир дафтар”**, **“аёллар дафтари”** ва **“ёшлар дафтари”**га киритилган ёшлар ва хотин-қизларни бўш (вакант) иш ўринларига жойлаштириш ҳамда ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш;

маҳаллада истикомат қилувчи аҳолининг оилавий тадбиркорлигини ривожлантириш, жумладан, уларнинг ҳунармандчилик, қасаначилик, томорқадан самарали фойдаланиш, кичик ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқа турдаги фаолиятини йўлга қўйиши учун **оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида кредитлар олишда** қўмаклашиш;

маҳалланинг ихтисослашувидан келиб чиқиб, кооперация асосида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагини билдирган **етақчи тадбиркорларга имтиёзли кредитлар ажратиши**ни ташкил этиш, уларга тадбиркорлик билан мустақил шуғулланиш тажрибасига эга бўлмаган фуқароларни ўз фаолиятини йўлга қўйиши учун уларга бириктириш;

аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, **уй шароитида деҳқончилик, чорвачилик, паррандачилик, қўёнчилик, асаларчилик, уруғчилик, қўнатиқчилик, гулчилик** каби фаолият турларини йўлга қўйишга қўмаклашиш;

маҳалладаги иш билан банд бўлмаган аҳолининг тадбиркорлик ва доимий даромад келтирувчи фаолият билан шуғулланишини йўлга қўйиш мақсадида уларга иссиқхона қуриш, томорқасини сўғориш учун вертикал сўғориш қудуқларини бурғилаш, қишлоқ ҳўжалиги кооперативига аъзо бўлиш, асбоб-ускуна ва меҳнат қуролларини харид қилиш, бино ва иншоотнинг ижара тўлови ҳамда касб-хунар ва тадбиркорликка ўқиши учун **субсидиялар олишда қўмаклашиш**;

маҳалладаги **бўш бино ва ер майдонларини** аниқлаб, уларни белгиланган тартибда тадбиркорлик субъектларига ажратиш бўйича тегишли ташкилотларга тақлифлар киритиш;

тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга тўсиқ бўлаётган муаммоларнинг (муҳандислик-коммуникация тизимларига уланиш ва улардан фойдаланиш, турли хил фаолиятни йўлга қўйиш учун рухсатномалар ва лицензиялар олиш, бўш бино ва ер майдонларини тадбиркорлик билан шуғулланиш учун ажратиш ва бошқалар) тегишли ташкилотлар томонидан ҳал этилишини ташкил этиш.

Барча вазирлик ва идораларнинг **биринчи раҳбарлари** ҳоким ёрдамчиларига уларнинг вазифаларини амалга оширишда ҳар томонлама қўмак бериш учун **шахсан масъул ва жавобгар** ҳисобланади.

3. Қуйидагилар:

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш қотибияти негизида Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги **Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги** (кейинги ўринларда — Агентлик);

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича ваколатли офислари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари негизида **Агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бошқармалари**;

туманлар ва шаҳарлардаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари негизида туман (шаҳар) ҳокимликлари таркибида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда **Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш марказлари** (кейинги ўринларда — Марказлар) ташкил этилсин.

Белгилаб қўйилсинки:

Агентликка Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган директор раҳбарлик қилад;

Агентлик ҳузурида бир йил муддатга доимий фаолият юритадиган **“Маҳаллабай ишлаш штаби”** ташкил этилади;

Марказий банк, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Савдо-саноат палатаси раҳбарларининг тегишли ўринбосарлари бир йил муддатга бошқа барча вазифаларни бажаришдан озод этилган ҳолда “Маҳаллабай ишлаш штаби”га хизмат сафарига юборилади.

4. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузурида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари шаклида очиладиган **Ҳоким ёрдамчилари фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси** ташкил этилсин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқарти-

риш вазирлигига Ҳоким ёрдамчилари фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларини бошқариш вазифаси юклансин.

5. Белгилаб қўйилсинки:

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, тижорат банклари, иқтисодий ва инвестиция комплексларига кирувчи бошқа идоралар, уларнинг ҳудудий бўлинмаларида **бўлим (шўъба) бошлиқидан** паст бўлмаган лавозимда ишловчи **раҳбар ходимлар**, шунингдек, маҳаллий ҳокимликларнинг раҳбар ходимлари тайинланади;

ҳоким ёрдамчиси лавозимига номзодлар тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари бошчилигидаги танлов комиссиялари орқали **очиқ танловлар асосида** ишга қабул қилинади;

номзодларнинг интилувчанлиги, мақсадга йўналганлиги, қобилияти, тажрибаси каби хусусиятларини инобатга олган ҳолда **тадбиркорлар, бошқа соҳа вакиллари, фаол ёшлар, раҳбарлик лавозимида фаолият юритмаётган ходимлар ва олий маълумотга эга бўлмаган фуқаролар** ҳам ишга қабул қилиниши мумкин.

6. Вазирликлар, идоралар, тижорат банклари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари раҳбарларига ҳоким ёрдамчилари лавозимига тайинланган **ҳодимларнинг аввалги иш жойидаги лавозимини икки йилгача муддатга сақлаб қолиш**, мазкур даврда ушбу лавозимга бошқа шахсларни муддатли меҳнат шартномаси асосида вақтинча ишга қабул қилиш тавсия этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ҳоким ёрдамчиларини:

иш фаолияти натижаларига кўра **Миллий кадрлар захирасига** киритсин;

икки йиллик меҳнат фаолияти натижаларига кўра лавозимини ошириш юзасидан вазирлик ва идоралар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига тақлиф киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг тақлифлари асосан ҳоким ёрдамчиларини танловсиз тўғридан-тўғри юқори лавозимларга ўтказишга рухсат берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг:

“Янги Ўзбекистон ислохотчиси” кўкрак нишонини таъсис этиш;

ҳоким ёрдамчиси лавозимига тайинланган ҳамда улар фаолиятини самарали ташкил этишга жалб қилинган шахсларни ушбу кўкрак нишони билан тақдирлаш амалиётини жорий этиш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **бир ой муддатда** “Янги Ўзбекистон ислохотчиси” кўкрак нишонини тўғрисидаги низом лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда жойларда **“инсон қадри учун” шиори билан амалга оширилаётган ислохотларда** ўзининг фаол иштироки, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш бўйича ташаббуслари билан бошқаларга ўрнак бўлаётган маҳалалар ва ҳоким ёрдамчиларини рағбатлантириб бориш мақсадида **“Энг намунали маҳалла”** ва **“Фаол ҳоким ёрдамчиси”** каби қўрик-танловларнинг мунтазам ўтказиб борилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ташкилий тузилмасини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган ишларни кенг ёриштириш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

МАҲАЛЛАДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

3. Белгилансинки:
а) **Республика комиссияси** аъзолари:
шаҳарчалар, қишлоқлар, овулларда, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ҳамда овуллардаги маҳаллаларда (кейинги ўринларда — маҳаллалар) тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича ишларни тизимли ташкил этади;
ўзи бириктирилган ҳудуддаги республика вакиллари фаолиятига беvosита раҳбарлик қилади, **мақсадли кўрсаткичларга эришилиши учун** масъул ва жавобгар бўлади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан бирга ўзи бириктирилган ҳудудга ажратилган маблағларнинг туман ва шаҳарлар кесимида тақсимланишини таъминлайди;

б) **республика вакиллари:**
туман (шаҳар) ҳокимининг биринчи ўринбосари билан бирга марказлар ҳамда ҳоким ёрдамчилари фаолиятига кўмаклашади;
ҳар куни битта маҳаллага чиққан ҳолда камида ўн та хонадонга шахсан ташриф буюриб, мавжуд ҳолатни ҳоким ёрдамчилари билан бирга ўрганади, аҳолига амалга оширилаётган давлат сиёсати ва ислохотларнинг мазмун-моҳиятини тушунтиради, аниқланган муаммоларни жойида ҳал қилиш чораларини кўради;
ҳоким ёрдамчилари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари бўйича сектор раҳбарлари билан биргаликда ҳар бир маҳаллани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўналишларини белгилайди, хонадонбай рўйхат асосида ҳар бир маҳалла кесимида ҳақиқий ижтимоий вазиятни аниқлайди ҳамда **ойма-ой амалга оширилаётган чора-тадбирлар режасини** ишлаб чиқади;

ҳар бир маҳалланинг **“ўсиш нуқтаси”**дан келиб чиқиб, етажчи тадбиркорлар ва ҳоким ёрдамчилари таклиф этаётган янги лойиҳаларни амалга оширишга кўмаклашади, маҳаллаларда аҳолининг кўндаллаги эҳтиёжлари учун зарур бўлган **хизматлар турларини ривожлантиради**;
аҳолини, биринчи навбатда ишсиз ёшлар ва аёлларни касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш ҳамда уларнинг бандлигини таъминлаш ишларини ташкил қилади;
туман (шаҳар) ҳокимлари ҳамда туман фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан ҳамкорликда аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиб, **уй шароитида деҳқончилик, чорвачилик, паррандачилик, қўвчилик, асаларичилик, уруқчилик, кўчатчилик, гулчилик** каби фаолият турларини йўлга қўйишга кўмаклашади;
туман (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда ҳудудга ажратилган маблағларнинг маҳаллалар кесимида тақсимланишини таъминлайди;

в) **ҳоким ёрдамчилари:**
маҳалладаги ишсиз аҳолини иш билан таъминлаш, уларга доимий даромад манбаини яратишга кўмаклашиш учун устувор равишда маҳалладаги муваффақиятга эришган тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорликда фаолиятини олиб боради;
республика вакиллари билан биргаликда ўзига бириктирилган маҳаллани ривожлантириш бўйича **2022 йилга мўлжалланган “Йўл харитаси”**ни ишлаб чиқади ва ижросини таъминлайди;
ажратилаётган ресурслардан самарали фойдаланиш юзасидан доимий мониторингни амалга оширади;
амалга оширилган ишлар натижадорлиги юзасидан туман (шаҳар) ҳокимининг молия-иқтисодий ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари билан биргаликда доимий равишда ҳокимга ҳисобот бериб боради.

4. Республика комиссияси аъзолари ва республика вакилларига маҳаллий бюджет даромадларининг орттириб бажарилган қисмидан маҳаллалардаги муаммоларни ҳал этишга йўналтириш бўйича таклифлар маҳаллий вакиллик органларига киритиш ҳуқуқи берилсин;

5. Ҳоким ёрдамчилари ўз вазифаларини амалга оширишда фойдаланадиган **молиявий инструментларнинг 2022 йил учун манбалари** этиб қуйидагилар белгилансин:
а) оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ажратиладиган кредитлар — **10 триллион сўм**;

б) аҳолининг бандлигини таъминлаш, уларнинг ўзини ўзи банд қилиши, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши учун ажратиладиган маблағлар — **1 218 миллиард сўм**, шундан:
Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасидан иш билан банд бўлмаган аҳолига тадбиркорлик қилиш ва ўзини ўзи банд қилиш учун субсидиялар, кредит ресурслари ва бошқа харажатлар учун — **785 миллиард сўм**, иш билан банд бўлмаган аҳолини касб-ҳунарга, тадбиркорлик ва ҳунармандчиликка ўқитишга йўналтириш учун — **210 миллиард сўм**;

Жамоат ишлари жамғармасидан ишсиз аҳолини ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиш харажатлари учун — **222 миллиард сўм**;
в) Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан ажратиладиган субсидиялар — **50 миллиард сўм**;

г) ҳоким ёрдамчилари тавсиялари асосида маҳалла инфратузилмасини яхшилаш учун кўзда тутилаётган маблағлар — **250 миллиард сўм**;
д) **“Саховат ва кўмак”** жамғармаси, **“Аёллар дафтари”** жамғармаси, **“Ёшлар дафтари”** жамғармаси — **851 миллиард сўм** микдорида.
Мазкур банднинг “б”–“д” кичик бандларида кўрсатиб ўтилган маблағларнинг **республика ҳудудлари кесимидаги** тақсимоти **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банк, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишган ҳолда **бир ой муддатда** мазкур қарорга **2-иловада** кўрсатилган маблағларни **туман (шаҳар) ва ҳар бир маҳалла кесимида** маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати ва хонадонлар сонидан келиб чиқиб тақсимласин.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида кредитлар ажратишга масъул тижорат банклари, Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари мазкур бандда кўрсатилган маблағларнинг ойма-ой узлуқсиз молиялаштириб борилишини таъминласин.

7. Белгилансинки:
мазкур қарорнинг **3-илосида** кўрсатилган, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасидаги кредитлар, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ва Жамоат ишлари жамғармаси, Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, “Аёллар дафтари” жамғармаси, “Ёшлар дафтари” жамғармаси ҳисобидан тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, ўзини ўзи банд қилиш ва иш билан таъминлаш учун ажратиладиган субсидиялар **ҳоким ёрдамчиларининг тавсиялари асосида** ажратилади;
ҳоким ёрдамчилари юқоридagi йўналишлар бўйича кредитлар ва субсидиялар ажратиш кўзда тутилган ҳар бир лойиҳанинг самарадорлиги ва мақсадга мувофиқлигини чуқур ўрганган

ҳолда уларни **ажратиш учун масъул идора ва ташкилотларга** ўз тавсиясини беради.

8. Ҳоким ёрдамчиларининг ойлик иш ҳақи микдори улар бириктирилган маҳалладаги хонадонлар сонига мутаносиб равишда қуйидагича белгилансин:

хонадонлар сони **500** тагача бўлган маҳаллада — меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам микдорининг **6 баравари** микдорида;
хонадонлар сони **501** тадан **1 000** тагача бўлган маҳаллада — меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам микдорининг **6,5 баравари** микдорида;
хонадонлар сони **1 000** тадан ортқ бўлган маҳаллада — меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам микдорининг **7 баравари** микдорида.

9. Белгилансинки:
ҳоким ёрдамчиларига тўланадиган ўртача ойлик иш ҳақи микдори номзоднинг ушбу лавозимга ишга қабул қилинганга қадар **аввалги иш жойи бўйича ўртача ойлик иш ҳақи** микдоридан кам бўлган тақдирда етишмаган қисми Ҳоким ёрдамчилари фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан компенсация қилиб борилади;

марказлар ходимларига туман (шаҳар) иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлиmlари ходимлари учун белгиланган ва Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилаётган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари татбиқ этилади.

10. Вазирлар Маҳкамаси **бир ой** муддатда Ҳоким ёрдамчилари фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги низомни тасдиқласин, унда, шу жумладан, қуйидагиларни назарда тутсин:

бошқа ҳудудлардан келиб ишлаётган ҳоким ёрдамчилари ва республика вакиллари учун базавий ҳисоблаш микдорининг икки баравари микдорида **турар жой ижараси** харажатлари учун **компенсация** тўласин;

иш фаолиятида яхши натижаларга эришган ҳоким ёрдамчилари ва республика вакиллари-ни ҳар ой мукофотлаш;

ҳоким ёрдамчилари иш ҳақининг аввалги иш жойи бўйича ўртача ойлик иш ҳақи микдоридан кам бўлган қисмини компенсация қилиб бориш;
ўз шахсий автомобилдан фойдаланаётган республика вакилларининг транспорт харажатлари, шунингдек, бир ойда бир маротаба доимий яшаш жойига темир йўл транспортида бориб келиши учун **компенсация** тўласин;

йил якуни бўйича ўзига бириктирилган ҳудудда юқори натижаларга эришган республика вакиллари ва ҳоким ёрдамчиларига ипотека кредити асосида уй-жой харид қилиш учун уй-жой қийматининг 50 фоизгача субсидия тўлаш.

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда:

биринчи босқичда — 2021 йил 15 декабрга қадар республика вакиллари учун янги жорий этилаётган тизимнинг туб моҳияти ва самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш бўйича бир ҳафталик **ўқув-семинарларини** ташкил этсин;

иккинчи босқичда — 2021 йил 30 декабрга қадар республика вакиллари иштирокида ҳоким ёрдамчилари ва марказлар ходимлари учун **амалий машғулотларни** ташкил этсин;
учинчи босқичда — 2022 йил давомида ҳар чорақда республика вакиллари, ҳоким ёрдамчилари ва марказлар ходимлари ўртасида ўзаро тажриба алмашиш курсларини ташкил этсин.

Бош вазир ўринбосари Ж.А.Қўчқоров:
уч кун муддатда ўқув-семинарларига иқтисодий ва инвестиция комплексларига кирувчи идоралар, маҳаллий ҳокимликлар ва бошқа ташкилотларнинг етарли малака ва тажрибага эга бўлган раҳбар ходимларини жалб қилсин;

Ҳоким ёрдамчилари ва республика вакиллари фаолияти самарадорлигини баҳо-

лаш тизимини жорий этсин ҳамда доимий равишда уларнинг фаолияти мониторингини олиб борсин.

Ўқув семинарларини ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги қошидаги Давлат хизматини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан қопланиши белгилансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари зиммасига ўқув-семинарларини ўтказиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал этиш вазифаси юклансин.

12. **2022/2023 ўқув йилидан** бошлаб олий маълумотга эга бўлмаган ҳоким ёрдамчиларини давлат олий таълим муассасаларининг иқтисодий таълим йўналишларига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тавсиясига кўра **давлат гранти асосида** сиртки таълим шаклига суҳбат асосида ўқишга қабул қилиш амалиёти жорий этилсин.

13. Қуйидагилар:
ҳоким ёрдамчиси лавозими ва марказлар фаолияти ташкил этилиши муносабати билан туман ва шаҳарлар ҳокимликларининг намунавий ташкилий тузилмаси **4-7-иловаларга** мувофиқ;

Туман (шаҳар) маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш марказлари ходимларининг чекланган сони **8-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

14. Белгилансинки, ҳоким ёрдамчилари ва марказлар ходимларининг штат бирикляри мос равишда маҳалла фуқаролар йиғини раисининг ободонлаштириш, томорқа ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосари, туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш марказларининг ишга жойлаштириш инспектори, туманлар ва шаҳарлардаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар муносабатларини кўриб чиқиш қабулхоналари штат бириклярини мақбуллаштириш ҳисобидан ташкил этилади.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Ўзбекистон касаба уюмлари Федерацияси Кенгаши билан биргаликда штат бирикляри қисқартирилган ходимларини иш билан таъминлашга кўмаклашиш чораларини кўрсин.

15. Вазирлар Маҳкамаси **икки ҳафта муддатда:**

Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорни; ҳоким ёрдамчилари ва марказларнинг асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, ваколатлари ва жавобгарлигини белгилаш бўйича намунавий низомни тасдиқласин.

16. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари **икки ҳафта муддатда** туман (шаҳар) ҳокимлари томонидан:

Ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом, марказларнинг устави ва тузилмаси тасдиқланиши;
ҳоким ёрдамчилари ва марказларни тегишли бино (хона), моддий-техника ва замонавий ахборот воситалари (мебель, компьютер тўплами, алоқа, Интернет ва бошқалар) билан таъминлашни бўйича чоралар кўрсин.

17. Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Х.Шерматов):

ҳоким ёрдамчилари ва республика вакиллари **“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”** ахборот тизимига ўланган, масофадан туриб ҳисоботлар тақдим этиш ҳамда видео конференция

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2021 йил 3 декабрь

алоқа шаклида йиғилишларда иштирок этиш имконини берувчи **махсус планшетлар** ажратилишини таъминласин.

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари маблағлари ҳисобидан бериладиган ижтимоий нафақалар, субсидия ва имтиёзли кредитлар учун аризаларни махсус планшетларда қабул қилиб олиш ва рўйхатдан ўтказиш кўникмалари бўйича ўқув-тренингларини ташкил этсин.

18. Бош вазир ўринбосари Ж.А.Қўчқоров:
ҳар ҳафтада Республика комиссияси, республика вакиллари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари бўйича сектор раҳбарлари, ҳокимларнинг биринчи ўринбосарлари ва ҳоким ёрдамчилари иштирокида маҳаллаларда амалга оширилаётган ишларни муҳокама қилсин;

ҳар ҳафтада ҳудудларга чиқиб, маҳаллабай ишлаш тизими асосида амалга оширилаётган ишларни жойида ўрганиб борсин, Ҳоким ёрдамчилари ва республика вакиллари фаолиятининг самарали ташкил этилишини таъминласин;

ҳар ойда амалга оширилган ишлар натижалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрациясига ахборот кириштириб борсин.

Республика вакиллари ва ҳоким ёрдамчиларининг мазкур қарорда белгиланган вазифалардан бошқа ишларни бажаришга, шу жумладан, йиғилишларга Бош вазир ўринбосари Ж.Қўчқоров руҳсатисиз жалб этиш тақиқлансин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Т.А.Худайбергенов ҳар ойда бир маротаба Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарига маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича келиб тушаётган муносабатларни таҳлил қилган ҳолда, ҳоким ёрдамчилари фаолиятининг натижадорлигини ўрганиш, ўрганиш натижаларини халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида муҳокама қилиб бориш амалиётини йўлга қўйсин.

20. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ташкилий тузилмасини ислох қилиш бўйича амалга оширилаётган ишларни кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

21. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгаришларни қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

22. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари С.М.Холпўжаев ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Бош вазир ўринбосари Ж.А.Қўчқоров зиммасига мазкур қарор ижроси учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш, ҳоким ёрдамчиси фаолиятини жойларда ташкил этиш ҳамда мазкур тизимни амалиётга тулик татиқ қилиш юзасидан кунлик назоратни амалга ошириш юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси (Р.А.Гўлямов, Б.М.Мавлонов) амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳар ой якуни бўйича ахборот кириштириб борсин.



Вазирлар Маҳкамасининг навбатдаги Раёсат мажлисида “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни талабларига мувофиқ, ёшларга оид давлат сиёсатининг, хусусан, истебодли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш ҳақида Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги ва Наманган вилояти ҳокимлиги раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди.

Мажлисида Наманган вилояти ҳокимлиги томонидан ёшларга оид давлат сиёсатини ижчил ва самарали амалга ошириш, ишларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, шунингдек, ушбу йўналишдаги ишлар са-

лаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, шунингдек, ушбу йўналишдаги ишлар са-

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида

марадорлигини янада ошириш бўйича чоралар қўрилаётгани қайд этилди.
Хусусан, **“Yoshlar — kelajagimiz”** давлат дастури доирасида ҳудудларда **527** та бизнес лойиҳани амалга оширишга умумий қиймати **152** млрд. сўм микдорида имтиёзли кредит маблағлари ажратиш ҳисобидан **2 856** та янги иш ўрни яратилди.

Наманган ва Тўрақўрғон шаҳарларида **2** та “Yosh tadbirkorlar” қоворкинг-маркази ҳамда **14** та “Yoshlar mehnat guzari” комплекс фойдаланишга топширилиб, уларда жами **215** та янги иш ўрни яратилди.

2021 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш учун вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар билан биргаликда **1 340** та ёшлар дастурлари ишлаб чиқилиб, уларни амалга оширишга **104,5** млрд. сўм маблағ йўналтирилди.

Шунингдек, мажлисида Наманган вилояти туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан ёшлар масалаларини, айниқса, уларнинг бандлигини таъминлаш масалаларини ҳал этишга етарлича **эътибор қаратилмаётгани сабабли** вилоятда яшайдиган **455,2** минг нафар ёшларнинг атиги **39** минг нафари иш билан таъминлангани таъкидланди. Масалан, Мингбулоқ туманида (Н.Худойбердиев) **1 779** нафар, Учқўрғон туманида (А.Ваҳобов) **2 526** нафар, Наманган туманида (С.Мўминов) **2 688** нафар ёш иш билан таъминланмаган.

Мажлисида Наманган вилояти ҳокими Ш.Абдураззоқовга “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни талабларининг етарлича бажарилмаётгани ва жойларда ушбу Қонуннинг сифати

ижро этилишига ҳамда бу борадаги ишларни мувофиқлаштириш самарадорлиги учун шахсан масъул экани кўрсатиб ўтилди.

Мажлисида тегишли вазирлик ва идоралар, шунингдек, Наманган вилояти ҳокимлиги раҳбарияти томонидан ёшлар билан ишлаш ва уларнинг муаммоларини ҳал қилиш борасида амалга оширилаётган ишларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари белгиланди. Хусусан:

биринчи — Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июндаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6017-сон фармонида мувофиқ масъул ходимлар томонидан ҳудудий ва туман даражасида амалга оширила-

ётган ишларни мувофиқлаштириш, назорат ва таҳлил қилиш тизимини яратиш;

иккинчи — Ёшлар масалалари бўйича ҳудудий идораларро кенашлар, ҳокимларнинг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарларининг ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш соҳасидаги ишларни мувофиқлаштириш;

учинчи — Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар дастурини самарали амалга ошириш, шунингдек, Наманган вилоятини ўрганиш давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш.

Муҳокамалар якуни бўйича Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг тегишли протокол қарори қабул қилинди.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН — ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ОРЗУСИ

Халқимизнинг яратувчанлик шижоати, хоҳиш-истаклари ифодаси

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила НОРБОЕВанинг “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари бош муҳарририга интервьюси

Бошланиши 1-бетда

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ишлаб чиққан ва ўтган беш йилда ҳаёт-га самарали татбиқ этилган Ҳаракатлар стратегияси асосида халқимиз билан биргаликда **БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ**ни яратдик. Бу қутлуғ йўл, аввало, **халқ билан мулоқотдан бошланди**.

Вақт югурди. 2016 йил 4 декабрда ўтган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига ҳам роппа-роса 5 йил бўлди. Шу куни халқимиз кўп йиллик орзу-армонлари ушлаши учун, янги фаровон ҳаётга катта умид билан Президентимиз Шавкат Мирзиёевга овоз берган эди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганнинг 24 йиллигига бағишланган маросимдаги маърузасида “**Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак ва бу ҳақиқатни аввало барча бўғиндаги раҳбарлар яхши тушуниб олиши зарур**”, дея халқимиз узоқ йиллар, таъбир жоиз бўлса, бир асрдан зиёд кутган катта ҳаётий мазмунга тўла ғани айтгани кечагидек ёдимизда.

Бу тамойил ислохотларимизнинг моҳиятан аниқ ибтидоси бўлиб тарихга кирди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бундан беш йил олдин мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур тахлили, жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этар эди. Бу, ўз-ўзидан, мамлакатимизда давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш заруратини юзага келтирди ва муҳим устувор йўналишлар белгиланди.

Бу ҳақда гапиришдан олдин, аввало, давлатимиз раҳбари ўз вазифасини ижро этишга қиришган илк кунларданок оддий одамлар ҳаётини яхшилаш, уларга муносиб турмуш шароитини яратиш, фаровонлигини ошириш, фуқароларни уй-жой билан таъминлаш, халқ дардини тинглаш, инсон қадрини биринчи ўринга қўйишдек одил сиёсат юритишни бошлаганини эътироф этиш керак.

Хусусан, сиз ёдга олган 2017 йилда Президентимизнинг гоёяси ва ташаббуси билан ишлаб чиқилган, Ўзбекистонни ҳар томонлама тараққий эттириш, дунёнинг илғор демократик давлатлари қаторидан жой олиши ва жаҳон майдонида муносиб ўрин эгаллаш асосий мақсад этиб белгиланган Ҳаракатлар стратегияси мамлакат яқин истиқболдаги тараққиёт йўлининг бош устувор ҳужжати сифатида ўзини оқлади.

Стратегия халқро жамоатчилик, нуфузли эксперт-мутахассислар, давлат ва жамоат арбоблари, сиёсатшунослар томонидан юқори баҳоланди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг барча йўналишида мамлакатда янги босқичдаги демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва самарадорлигини таъминлашга оид аниқ чора-тадбирлар ўз аксини топган. Ҳаракатлар стратегиясининг бош мақсади демократик жамиятнинг жадал ривожланишини таъминловчи ички механизмларни барпо этишни ифода этади. Бу борада давлат бошқаруви механизми такомиллаштирилиб, жадал ўзгариб бораётган ҳаёт талабларига мувофиқлаштириб борилди.

Халқимиз дунёқарашининг ўзгариши — ислохотларнинг ибтидоси сифатида буй кўрсатди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев маънавий уйғоқ жамиятни қудратли кучга қиёс этади. **Ҳаракатлар стратегияси туфайли бугун одамлар уйғонди, жамият уйғонди, ана шу ҳаётий эпкин оғуши-**



да ислохотлар шиддат билан давом этмоқда. Мамлакатимизда кечаётган демократик ўзгаришлар шароитида хорижий давлатлар андозаларига мос келадиган ижобий тажриба шакллантирилди.

Ўтган беш йилда кўпгина масалалар, жумладан, “прописка”, хорижга чиқиш учун “стикер”, мажбурий меҳнат, болалар меҳнати, пахта ва ғаллага давлат буюртмасини белгилаш каби эски тартиблардан мутлақо воз кечилди. Бюрократия, вазифани суиистеъмол қилиш, таъмагирлик кўринишлари камайиб, жамиятимиз ҳаёти эркинлашди, одамлар енгил нафас ола бошлади. Халқимиз ҳам, дунё жамоатчилиги ҳам Президентимиз бошлаган бу қадамларни ижобий баҳоламоқда.

Тасаввур қилайлик, банк пластик картчасидаги пуллари банкоматлар орқали нақд пулга айлантириш, валюта курси бўйича “қора бозор”даги машмашалар, фуқароликка эга бўлиш, Ўзбекистоннинг исталган ҳудудидан уй-жой ва мол-мулк сотиб олиш ҳамда уларни рўйхатга қўйиш билан боғлиқ муаммолар бугун тарихда қолди.

Яхши биласиз, ҳар қандай ислохот қуруқ рақамларда эмас, энг аввало, аҳолининг кундалик ҳаётида, унинг дастурхони ва рўзгориде ўз аксини топади. Бу инкор этиб бўлмас ҳақиқат. Мисол учун, ҳозирги вақтда Ўзбекистондаги ҳар 100 оилага 162 та телевизор, 107 та музлатгич, 287 та мобиль телефон, 49 та енгил автомобиль тўри келмоқда. Бошқача айтганда, мамлакатимиздаги оилаларнинг қарийб ярми ўз шахсий автомобилига эга.

Ҳаракатлар стратегияси — инновацион ва креатив фикрлайдиган замонавий кадрлар тайёрлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида, юксак маънавият эгалари этиб тарбиялаш, шу мақсадда таълим тизимини такомиллаштириш ҳам кўзда тутатди. Жаҳондаги ривожланган давлатлар тарихига назар ташлайдиган бўлсак, уларда жамият ҳаётини ўзгартаришга қаратилган ислохотлар, аввало, таълим тизимидан, боғча, мактаб, тарбия масаласидан бошланганини кўрамыз. Чунки мактабни ўзгартирмасдан туриб, одамни, жамиятни ўзгартариб бўлмайди.

Сўнгги беш йилда кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича мамлакатимизда улкан ишлар амалга оширилди. Президентимиз томонидан халқ таълими тизимига оид 6 та фармон ва қарор, Вазирлар Маҳкамасининг 21 та қарори қабул қилиниб, бу соҳадаги ислохотларнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари мустаҳкамланди. Ота-оналар, жамоатчиликнинг истаклари инобатга олинб, юртимизда 11 йиллик мактаб таълими тикланди.

Мамлакатимизда кейинги йилларда замонавий уй-жойлар қуриш бўйича янги давр бошланди, десак, бу ҳам аниқ ҳақиқат бўлади. Бунинг

тасдиғини сўнгги тўрт йилда аввалги йилларга нисбатан 4-5 баробар кўп уй-жойлар барпо этилгани, шу йилнинг ўзида 54 минг оилани янги уй-жой билан таъминлаш бўйича кенг қўламдаги қурилиш ишлари олиб борилаётгани мисолида яққол кўриш мумкин. Бу оддий одамларни рози қилиш йўлидаги мисли қўрилмаган хайрли ишлардан биридир. 2020 йилнинг 1 апрелидан бошлаб Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида кўчмас мулк олишда мамлакатимиз фуқаролари учун ушбу ҳудудларда доимий прописка талаб қилинмаслигини кўзда тутувчи тартиб жорий қилинган фуқароларнинг узоқ йиллик муаммоларига ечим бўлди.

Президентимизнинг 2021 йил 5 мартдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан хотин-қизларнинг ҳуқуқ-манфаатларини таъминлаш борасидаги ишлар янги босқичга олиб чиқилди. Республика хотин-қизлар жамоатчилиги кенгаши ташкил этилиб, нозик ҳилқат вакилларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни

мини такомиллаштириш ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари очиклигига эришиш, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини жонлантириш ва рағбатлантиришга қаратилди. Мазкур йўналишда олиб борилаётган ислохотлар халқимизни рози қилишга ҳамда янги Ўзбекистоннинг халқро майдонда кенг эътироф этилишига хизмат қилмоқда. Бу эса, мамлакатда амалга оширилаётган янги босқичдаги ислохотлар, прагматик ички ва ташқи сиёсатнинг қанчалик тўғри ва самарали эканидан далолат беради.

— Ҳаракатлар стратегиясида демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис, сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш борасида ҳам кўплаб вазифалар белгиланган эди. Бугунги парламент фаолиятида нималар ўзгарди? Умуман, мамлакатда парламентимизнинг эркин ва очик фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ролини янада ошириш учун яқин истиқболда қандай ишлар режалаштириляпти?

— Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи устувор йўналишидан келиб чиқиб, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис, сиёсий партияларнинг ролини оширишга алоҳида устувор йўналиш сифатида ёндашилди.

Бу жараёнда ўтган йилларда Олий Мажлис Сенатининг қонун ижодкорлиги ва парламент назоратидаги ролини ошириш, маҳаллий Кенгашлар билан ҳамкорлигини янада кучайтириш, Қонунчилик палатасининг тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларни қабул қилиш, парламент текшируви институтидан самарали фойдаланиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Шунингдек, парламент аъзолари, вазирлик ва идоралар вакиллари қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларининг қонун ижодкорлиги жараёнидаги ташаббус-

маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақозо этаётган, халқимизнинг асрий орзу-интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектив заруратдир.

Шунга мос равишда мамлакатимизда давлат органлари фаолиятида очиклик ва ошқоралик тобора кенгайиб бормоқда. Сенатор ва депутатлар, вазир ва ҳокимлар, барча бўғиндаги мансабдор шахслар фуқаролар билан юзма-юз учрашиб, уларнинг дарду ташвишлари билан қоғозда эмас, амалда жиддий шуғулланмоқда. Давлат органлари халқ учун, ҳар бир фуқаро учун очилиб, улар билан фаол мулоқот олиб бормоқда.

Мамлакатимизда мунтазам тарзда олиб борилаётган давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасидаги ислохотлар ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принциплари ҳаётга изчил татбиқ этиш, улар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимияти ваколатлари ҳамда назорат вазифаларининг ролини кучайтириш доимий ислохотлар мезони бўлиб хизмат қилмоқда.

Конституциямизнинг 11-моддасида белгиланганидек, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этиш ва суд ҳокимиятига бўлиниши принциплари асосланади. Мазкур принципнинг моҳияти шундаки, сиёсий ҳокимиятнинг бу уч функцияси — қонун чиқариш, ижро этиш ва одил судлов бир-бирдан мустақил тарзда амалга оширилиши кераклигини назарда тутди. Агар бу орзуларга тўла эришолсак, чинакам ҳуқуқий демократик давлат қуришдек мақсадларга ҳам эришамиз.

Зеро, парламент фаолиятини такомиллаштириш замонавий демократик давлатни барпо этиш ва ривожлантиришнинг ажралмас ҳусусиятидир. Шунинг учун ҳам дунёдаги турли демократик тизимларда парламент фаолиятини такомиллаштириш йўллари ва усулларини шакллантириш, сама-

“**ЎТГАН БЕШ ЙИЛДА КЎПГИНА МАСАЛАЛАР, ЖУМЛАДАН, “ПРОПИСКА”, ХОРИЖГА ЧИҚИШ УЧУН “СТИКЕР”, МАЖБУРИЙ МЕҲНАТ, БОЛАЛАР МЕҲНАТИ, ПАХТА ВА ҒАЛЛАГА ДАВЛАТ БУЮРТМАСИНИ БЕЛГИЛАШ КАБИ ЭСКИ ТАРТИБЛАРДАН МУТЛАҚО ВОЗ КЕЧИЛДИ. БЮРОКРАТИЯ, ВАЗИФАНИ СУИИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ, ТАЪМАГИРЛИК КЎРИНИШЛАРИ КАМАЙИБ, ЖАМИЯТИМИЗ ҲАЁТИ ЭРКИНЛАШДИ, ОДАМЛАР ЕНГИЛ НАФАС ОЛА БОШЛАДИ. ХАЛҚИМИЗ ҲАМ, ДУНЁ ЖАМОАТЧИЛИГИ ҲАМ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ БОШЛАГАН БУ ҚАДАМЛАРНИ ИЖОБИЙ БАҲОЛАМОҚДА.**

амалдаги қонун ҳужжатларини ҳаёт талаблари билан мунтазам уйғунлаштиришда Олий Мажлис палаталари томонидан амалга оширилаётган парламент назорати механизми кучайтирилди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан давлат ҳокимияти тизимини парламентнинг ролини ошириш, унинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатида оид муҳим вазифаларни ҳал этиш ҳамда ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича зарур ваколатлар берилди. Жумладан, 2019 йилдан бошлаб ҳуқуматнинг Давлат дастури ижроси бўйича парламент олдида ҳар чорақда ҳисобот бериш амалиёти йўлга қўйилди. Парламентда Вазирлар Маҳкамасининг давлат дастурлари бажарилиши ҳолати юзасидан ҳисоботлари кўриб чиқилмоқда. Бу борада вазирлик ва идоралар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган қатор таклифлар ишлаб чиқилди. Хукумат аъзолигига номзодларни тасдиқлаш бўйича Президентимиз томонидан илгари сурилган тажриба парламентнинг назорат борасидаги ваколатларини янада кенгайттирди.

Қолаверса, ушбу амалиёт ҳукумат томонидан аҳоли муаммоларини ўрганиш ва ҳал этишда натижадорлигини таъминлаш ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар фуқароларнинг ҳаёт тарзига янада чуқур кириб боришига хизмат қилмоқда. Яқингача парламент аъзолари Қонунчилик палатаси ва Сенати мажлисларида фақатгина ҳукумат аъзолари, Ҳисоб палатаси, Бош прокурор ва Марказий банк бошқаруви раисининг ахборотини эшитиш ҳуқуқига эга эди. Эндilikда парламент назорати объектлари доираси янада кенгайтирилиб, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларига ҳам парламент сўровини юбориш, уларнинг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини парламент палаталарининг мажлисларида эшитиш тизими жорий қилинди.

Яна бир гап. Конституциямизда белгиланган қонун устуворлиги принципи жамиятимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, барча ислохотларни самарали амалга оширишнинг муҳим кафолати бўлиши шарт. Бу борада қонунларнинг тўлиқлиги, ҳаётийлиги ва тўғридан-тўғри амалга ошириш механизмлари муҳим аҳамият касб этади.

Давоми 5-бетда



СТРАТЕГИЯ ХАЛҚАРО ЖАМОАТЧИЛИК, НУФУЗЛИ ЭКСПЕРТ-МУТАХАССИСЛАР, ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ АРБОБЛАРИ, СИЁСАТШУНОСЛАР ТОМОНИДАН ЮҚОРИ БАҲОЛАНДИ. 2017-2021 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БЕШТА УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИНГ БАРЧА ЙЎНАЛИШИДА МАМЛАКАТДА ЯНГИ БОСҚИЧДАГИ ДЕМОКРАТИК ИСЛОХОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ОИД АНИҚ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ЎЗ АКСИНИ ТОПГАН. ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИНГ БОШ МАҚСАДИ ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТНИНГ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ИЧКИ МЕХАНИЗМЛАРНИ БАРПО ЭТИШНИ ИФОДА ЭТАДИ. БУ БОРАДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ МЕХАНИЗМИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИБ, ЖАДАЛ ЎЗГАРИБ БОРАЁТГАН ҲАЁТ ТАЛАБЛАРИГА МУВОФИҚЛАШТИРИБ БОРИЛДИ.

қўллаб-қувватлашга доир ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, хотин-қизларнинг таълим ва касбий кўникмалар олиши, муносиб иш топишга ҳар томонлама қўмаклашиш, тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, иқтидорликларини аниқлаш ва қобилиятларини тўғри йўналтириш, ҳудудларда, айниқса, қишлоқларда уларга кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий хизматлар сифати, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини таъминлаш борасидаги ишлар самарадорлиги ошди.

Ҳаракатлар стратегияси доирасида давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш йўлидаги муҳим ислохотларнинг катта қисми халқ ҳокимиятчилиги механизмларини кучайтириш, давлат ҳокимияти тармоқлари мустақиллигини таъминлаш, парламентнинг ролини янада кучайтириш, давлат хизматларини кўрсатиш тизи-

корлиги ва масъулиятини ошириш, “Электрон парламент” тизими лойиҳаларини амалда қўллаш, хорижий мамлакатлар билан муносабатларни ривожлантиришда парламентнинг ролини янада кучайтириш бўйича катта ишлар бажарилди. Агар бундан беш йил олдин қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясининг туб мазмун-моҳиятини мухтасар ифода этадиган бўлсак, ушбу ноёб ҳужжатда Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек буюк вазифалар энг устувор мақсад қилиб қўйилган эди.

Биз бугун Президентимизнинг нуктадон сиёсатчи сифатида билдирган мана бу гапини чуқур англаб етишимиз керак: **Янги Ўзбекистонни барпо этиш — бу шунчаки хоҳиш-истак, субъектив ҳодиса эмас, балки туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий,**

радорлигини ошириш, ҳокимиятнинг ижроия ва суд ҳокимиятлари билан бўладиган ишларини уйғунлаштириш борасида тизимли ислохотлар олиб бориляпти.

Президентимиз 2017 йил 12 июлдаги Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузасида таъкидлаб ўтганидек, **парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак.** Дарҳақиқат, парламент “Янги Ўзбекистон” шиори остида амалга оширилаётган ислохотларнинг бош ташаббускори, ижрочиси бўлиши зарур.

Жамиятда парламентнинг нуфузи, ролини оширишда, қонунларга риоя қилиш, уларни ижро этиш ва қонун нормалари билан тартибга солишга эҳтиёж туғилаётган жамиятдаги ижтимоий муносабатларни аниқлаш,

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН — ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ОРЗУСИ

Халқимизнинг яратувчанлик шижоати, хоҳиш-истаклари ифодаси

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила НОРБОЕВанинг “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари бош муҳарририга интервьюси

Бошланиши 1- ва 4-бетларда

Шу маънода, парламент фаолиятидаги муҳим ўзгаришлардан бири сифатида айтиш мумкинки, ўтган беш йилда парламент ҳам моҳиятан, ҳам шаклан тўлиқ янгиланди, сенаторлар, депутатлар янгича руҳда ишлаш бошлади. Парламент муҳташам бинодан чиқиб, халқ ичига кириб борди. Шунда одамлар ўз депутатини, сенаторини таниди.

Натижада қабул қилинган-у, лекин амалда ишламаётган ёки халқ манфаатларига зид қонунчилик тизими тубдан ўзгарди. Бу ҳам жуда катта ислохот бўлди. Чунки авваллари мамлакатимиз қонунчилик тизимига фуқароларимиз, тадбиркорлар, қолаверса, чет эл инвесторларининг ишонсизлиги бор эди. Бу эса, узок йиллар миллий тараққиётимиз ривожига тўсиқ бўлиб келди.

Галдаги вазифа — жорий йил ноябрь ойида Президентимизнинг лавозимга киришиш тантанали маросимга бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқда таъкидлаганидек, **Олий Мажлис фаолиятини янада такомиллаштириш, халқимиз кутаётган, Янги Ўзбекистон тараққиётини тезлаштиришга хизмат қиладиган қонунчилик концепциясини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш, қонун ижодкорлиги фаолиятини демократлаштириш ва уларнинг ижросини таъминлашга қаратилган парламент назоратини кучайтиришга устувор аҳамият берилди.**

Бу борада парламент томонидан мамлакатимиз бўйича мурожаатлар билан ишлаш ҳолати назоратга олинади. Жойлардаги ижро идораси раҳбарлари ҳисоботини айтиш ва унинг натижасига мувофиқ, улارга нисбатан таъсирчан чоралар қўриш амалга оширилади. **Яна бир муҳим вазифа — халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳамда ҳокимларнинг ваколатларини аниқ белгилашга оид қонуний асосларни яратиш.** Кейинги вақтларда ҳокимларнинг ҳам ижро ҳокимият, ҳам қарорлар қабул қилувчи ҳокимият тизимини қўлга олиши Давлат дастурлари ижроси оқсашига, тараққиётни ортага суришга, қарорларнинг халқчиллигига путур етказаетганди. Ваколатларнинг ажратилиши ҳокимларни назорат қилишга, дастурларнинг аниқ ва мазмунли бажарилишига хизмат қилади. Аччиқ бўлса ҳам тан олишимиз керакки, Президентимиз қайта-қайта таъкидлаганидек, бугун ижроия ҳокимиятининг раҳбари қабул қилган қарорларни биз, халқ вакиллари туман, шаҳар, вилоят сессияларида кўп ҳолларда ҳеч бир истисносиз маъқуллаб, тасдиқлаб берамиз. Ҳолбуки, бу ерда оддий мантиқ ишламайди: ҳоким ҳамон Кенгаш раиси ваколатига эга шахс саналиб қолаверар экан, “муқобил фикр”, “қайта ишлаш учун қайтариш” ёки “қабул қилмаслик” каби амалиёт орзулигича қолиб кетаверади.

— Янги Ўзбекистонда “Инсон — жамият — давлат” деган тамойил асосида муҳим ислохотлар босқичдан мушоффақиятга ўтдик. Бу йўналишда сўнгги йилларда эришилган энг муҳим ютуқлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Ўзбекистонда давлат ва жамият бошқарувида очиклик ва адолатга асосланган, одамлар манфаатига хизмат қиладиган халқпарвар қарорлар қабул қилиш тизими шакллантирилди. Илгари ҳамма нарса давлат манфаатларига бўйсундирилган бўлса, бугун аввало инсон, кейин эса жамият ва давлат манфаати барча ҳаракатларнинг негизига қўйилди. Жамиятда аҳоли ва партияларнинг сиёсий фаоллиги, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий

ахборот воситаларининг роли ва аҳамиятини оширишга қаратилган, тизимли ишлар олиб борилмоқда. Инсон, унинг ҳақ-ҳуқуқлари, кадр-қиммати ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш тамойили ислохотлар мазмун-моҳиятини ташкил этмоқда.

Албатта, бу билан фақат ютуқлар қўлга киритилди, камчиликлар йўқ, деб айта олмаимиз. Қатор соҳаларда айрим камчилик ва хатолар ҳам кузатилди. Аммо барча ислохотлар инсон учун қаратилган. Хусусан, мамлакат иқтисодиётини индустриал ривожлантириш, республиканинг экспорт салоҳиятини ошириш, аграр соҳани тубдан ислоҳ қилиш, айниқса, фермерлик ҳаракатини тараққий топтириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, республикада озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва аҳолини кафолатланган, арзон маҳсулотлар билан таъминлаш ишларига устувор даражада эътибор қаратилди. Ижтимоий-иқтисодий масалалар билан бир қаторда таълим, фан, соғлиқни сақлаш тизимларини замонавий талаблар асосида ривожлантириш, ёшларнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши учун муносиб шарт-шароитлар яратиш, оналик ва болаликни кучли муҳофаза қилиш устувор вазифа сифатида муҳим ўрин эгаллади.

Сўнгги беш йилда мамлакатимиз иқтисодиёти 24 фоизга, саноат 34 фоизга, экспорт ҳажми 1,5 баробарга, хорижий инвестициялар ҳажми эса 3 баробарга ўсгани энг муҳим ютуқлардандир. Шу даврда ўртача ойлик иш ҳақи 2,2 марта кўпайди. Амалий натижадорлик, инсон манфаати ислохотларнинг бош мақсадига айланди.

“КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ 11-МОДДАСИДА БЕЛГИЛАНГАНИДЕК, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ТИЗИМИ — ҲОКИМИЯТНИНГ ҚОНУН ЧИҚАРУВЧИ, ИЖРО ЭТУВЧИ ВА СУД ҲОКИМИЯТИГА БЎЛИНИШИ ПРИНЦИПИГА АСОСЛАНАДИ. МАЗКУР ПРИНЦИПНИНГ МОҲИЯТИ ШУНДАКИ, СИЁСИЙ ҲОКИМИЯТНИНГ БУ УЧ ФУНКЦИЯСИ — ҚОНУН ЧИҚАРИШ, ИЖРО ЭТИШ ВА ОДИЛ СУДЛОВ БИР-БИРИДАН МУСТАҚИЛ ТАРЗДА АМАЛГА ОШИРИЛИШИ КЕРАКЛИГИНИ НАЗАРДА TUTАДИ. АГАР БУ МАҚСАДЛАРГА ҲАМ ТЎЛА ЭРИШОЛСАК, ЧИНАКАМ ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ҚУРИШДЕК МАҚСАДЛАРГА ЭРИШАМИЗ.

— Халқ қонунларнинг том маънодаги ягона манбаи ва муаллифи ҳисобланади, деган тамойиллар сўнгги йилларда онгимизга чуқур ўрнашмоқда. Бу йўналишдаги ишлар келгусида давлат ва жамият ҳаётида қандай янги истиқболларни очади?

— Сенат раиси сифатида мен Президентимизнинг ҳар бир чиқишида билдирган мулоҳазаларини қалбимга чуқур жойлайман. Ҳар куни уни такор-такорроқ ўқиш, ўқиш, мазмун-моҳиятини бошқаларга ҳам етказишни бурчим, деб биламан. Биргина Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқи “қолип”дан холи бўлиб, қалбларимизгача етиб борди. Дунё жамоатчилиги, таниқли давлат ва жамоат арбоблари, чет эл оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда, таъбир жоиз бўлса, шиддат билан янги ўзгаришлар даври ортага қайтмас тус олди, дея баҳолаётганида ҳам катта маъно муҳассас. Халқ билан мулоқот қилишнинг назарий босқичидан амалий босқичига ўтилган, ҳар бир ишда халқимиз билан маспахатлашув амалга оширилаётган, унинг фикр-мулоҳазасига қўлоқ тутилиётган бир пайтда Президентимизнинг

“Қонуннинг бирдан-бир манбаи ва муаллифи том маънода халқ бўлиши шарт” деган ҳақи талаби жуда муҳим аҳамиятга эга, албатта.

Дарҳақиқат, ҳар қандай қонун халқ хоҳиш-иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши лозим экан, қонунлар лойиҳаси муҳокамасини қуйидан, яъни халқнинг ўзидан бошлаш

зарурлиги мантиқан тўғридир. Бинобарин, оддий фуқаро, у шаҳарда яшайдими, қишлоқдами, қабул қилинаётган қонуннинг мақсад-муддаоси, моҳияти ва нормалари унинг учун тушунарлими, буни билишга ҳақли. Биз сенатор ва турли даражадаги депутатлар ана шу оддий ҳақиқатни ўйлаб, қонун ижодкорлиги билан шуғулланишимиз лозим. Сабаби, биз халқ сайлаган вакиллармиз. Демак, расмий йиғилишлар, самарасиз назорат, қуруқ рақамларни санашдек эски одатлар билан дастурхонимиз бут, ҳаётимиз фаровон бўлиб қолмайди.

Ўрни келганда таъкидлаш зарурки, парламент ва жамоат назорати масаласида ҳам сон ортидан эмас, сифат устида тинимсиз ишлашни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Кўплаб оғриқли масала ва муаммоларни қоғозда ечгандан кўра, реал ҳаётда, кундалик турмушимизда биттагина бўлса ҳам масалани ҳал қилиб берсак, шундагина одамлар биздан рози бўлади.

— Ўзбекистон давлат бошқаруви сифати юқори даражага эга давлатлар қаторидан ўрин олиши учун, биринчи навбатда, қандай чора-тадбирларни амалга ошириш зарур, деб ҳисоблайсиз?

— Мамлакатимизда давлат ва ҳокимият идоралари узок вақт давомида халқ ҳаётидан узилиб қолганини қайд этиш лозим. Сиёсий-ҳуқуқий нуқтаи назардан давлатта “халқ хоҳиш-иродасини ифода этадиган орган” деб таъриф берилди. Давлатни ким шакллантиради? Халқ ва унинг мухтор вакиллари. Бинобарин, давлат ва унинг органлари аввало, кимга хизмат қилиши керак? Албатта, халққа, турли мансаб эгаларига овоз берган ва ишонч билдирган фуқароларга. Шу маънода, халқимиз давлат хизматидан рози бўлишга ҳар томонлама ҳақли ва муносибдир. Ана шундай тамойиллар асосига қурилган давлат ҳокимиятигина том маънода халқчил, демократик ҳокимият ҳисобланади. Бундай давлат ва жамиятнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий илдизлири мустаҳкам ва бақувват бўлади. Шу сабабдан биз халқимизнинг оғирини енгил қилиш, унинг муаммоларини вақтида ва самарали ечиш, одамларимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш борасида Президентимизга елкадош бўлишимиз керак. Чунки ислохотлар вақтинчалик зарурат эмас, охиригача олиб бориладиган, ҳеч қачон ортага қайтмас жараён.

Бизнингча, Ўзбекистон давлат бошқаруви сифати юқори даражага эга давлатлар қаторидан жой олиши учун қонун устуворлигини таъминлашга эришишимиз керак. Қонун устуворлиги шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини монёеликсиз амалга ошириш, ўз ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари қонунан кафолатланганлиги туфайли тинч, осойишта, хотиржам, ҳеч қандай ташқи таъсирлардан, зўравонлик ва ўзбоситимчиликдан қўрқмай яшаш имкониятини беради. Қонун устуворлиги, шунингдек, шахсга унинг учун мажбурий бўлган мазкур ҳужжатларни қабул қилиш жараёнида унинг ўзи ёки сайлаб қўйган вакиллари орқали иштирок этиш, давлат бошқаруви таъсир ўтказиш, давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқини таъминлайди. Агар жамиятда қонун устуворлиги таъминланмаса, одамларда нафақат бугунги, балки эртанги кунига ҳам ишонч йўқолади, адолат,

тенглик, эркинликка риоя қилинмайди. Қонун устуворлиги таъминланмаган жамиятда иқтисод ҳам ривожланмайди, иқтисодий ислохотлар ҳам самара бермайди. Чунки ҳеч ким қонун ишламаган жойга ўз мулкни, сармоясини киритишни ҳоҳламайди. Қонун устувор бўлган давлатда эркинлик, адолат, тенглик кафолатланади, ҳокимиятнинг шахсга таъсири чегараланади, инсон ҳуқуқлари ҳимояланади, мулк ҳуқуқига риоя қилинади, одил судлов мустақил бўлиб, самарали амалга оширилади.

— Ўзбекистон янги тараққиёт остонасида турибди. Президентимиз раҳбарлигида Янги Ўзбекистон стратегиясини белгилаб олдик. “Янги Ўзбекистон — халқчил ва инсонпарвар давлат” тамойилини оширишга киришмоқдамиз. Ана шу кутлуғ йўлда Сенат Раиси, қолаверса, юртимизнинг жонқур фарзанди сифатида ҳаёлингиздан нималар кечмоқда?

— Янги Ўзбекистон эркин фуқаролик жамияти ривожланган, инсон кадр-қиммати ва унинг қонуний манфаатлари таъминланган, раҳбарлари халқ билан ҳисоблашадиган давлат бўлишига ишончимиз компл. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ватанимизнинг тақдири ва келажаги билан боғлиқ асосий масалаларни ўз ичига олган Янги Ўзбекистон стратегияси доирасида амалга оширилаётган энг устувор вазифаларни эълон қилди. Эътиборли жиҳати шундаки, “Янги Ўзбекистон — халқчил ва инсонпарвар давлат” ғояси асосида амалга ошириладиган ислохотлар юртимизда яшашга ҳар бир фуқаро, миллиати, тили ва динидан қатъи назар, бутун халқимизнинг фаровонлигини таъминлашга хизмат қилиши Тараққиёт стратегиясининг биринчи устувор вазифаси сифатида белгиланди.

Яна ҳаёлимдан ўтгани шуки, яқин истиқболда маҳаллий бошқарув органларининг жойларда муаммоларни ҳал этишдаги роли ва масъулияти янада кучайтирилади, яъни давлат функцияларининг катта қисми марказдан худудларга ўтказилади. Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари томонидан Янги Ўзбекистон стратегиясини амалга оширишда халқ вакиллари бўлган сенатор ва депутатлар муҳим ўрин тутиши эътироф этилди.

Олий Мажлис олдида ҳам қатор муҳим вазифалар қўйилди. Жумладан, Янги Ўзбекистон тараққиётини тезлаштиришга хизмат қиладиган қонунчилик концепциясини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш, қонун ижодкорлиги фаолиятини демократлаштириш ва уларнинг ижросини таъминлашга қаратилган парламент назоратини кучайтириш билан боғлиқ муҳим вазифалар қайд этилгани масъулиятимизни янада оширади. Бундан буён, биз, халқ вакиллари аҳоли томонидан келиб тушадиган мурожаатларни назоратга олиш билан чекланиб қолмаслигимиз кераклигини ич-ичимдан ҳис қилдим.

Демак, биз мурожаатларни тизимли равишда ҳал қилиш мақсадида тегишли вазирлик, идоралар раҳбарлари олдида аниқ ва кескин саволларни ўртага ташлашимиз, тез-тез учраётган муаммолар масалаларни ҳал этиш бўйича ижро ҳокимияти вакилларидан таъсирчан чоралар қўрилишини талаб қилишимиз керак.

Президентимиз “Янги Ўзбекистон стратегияси” китобида Янги Ўзбекистон орзуси ҳақида гапирди. Жумладан, **“Янги Ўзбекистон орзуси, бугунги кунларимизга нисбатан айтганда, ҳозирги даврнинг тақозоси, унинг асл қиёфасини, ҳаракатлантирувчи кучлари ва омилларини белгилайдиган ғоявий-маънавий асос, халқимизга хос яратувчанлик шижоати ва кенг кўламли ислохотларимизнинг яққол ифодасидир”,** деди.

Дарҳақиқат, бугун ҳар бир юрдошимиз қалбини Янги Ўзбекистон орзуси чулғаб олган. Олдимизда ана шу асрий орзун рўёбга чиқариш вазифаси турибди. Албатта, бу орзуларимиз амалга ошиши йўлида муҳим замин яратилди. Чунки халқимизнинг бундан беш йил олдинги орзу-умидлари, бугун мустаҳкам ишончга айланди. Эндиги навбат, ҳар бир маҳалла, оила, инсон турмушини яхшилаш борасида қиладиган ишларимиз кўпчилигини доим ёдда тутиб, фидойилик ва жонқурлик билан қўзлаган манзил сари интилиш. Демак, ҳар биримиз ўзимиз учун тўғри қарорларни қабул қилиб, енгини шимариб, халқимизга янада кўпроқ хизмат қилиш вақти келди.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

Салим Дониёров суҳбатлашди.





“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

Ўзбекистон — Қозоғистон:
Яхши қўшничилик ва стратегик шерикликни
мустақкамлаш йўлидаги янги қадам

5-6 декабрь кунлари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистонга давлат ташрифи бўлиб ўтади. Ушбу ташриф қардош республика томонидан 16 декабрь кунги ўз мустақиллигининг 30 йиллигини нишонлаш арафасида амалга оширилиб, ўзбек ва қозоқ халқларининг географик, тарихий ва маънавий яқинлиги, мустақкам дўстлиги ва яхши қўшничилигининг яна бир тимсолига айланади.

Икки давлат ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1992 йил 23 ноябрь кунги ўрнатилган. Ўзбекистон — Қозоғистон ҳамкорлигининг бутун тарихи давомида томонлар ижтимоий-сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги икки ва кўп томонлама ҳамкорлигининг намунали моделини намойиш этиб, бутун Марказий Осиё минтақасининг янада ривожланишини кафолатлайдиган мустақкам пойдеворни шакллантирди.

Кўп қиррали алоқалар Тошкентда имзоланган Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида Абдий дўстлик тўғрисидаги шартнома ва Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома асосида изчил ривожланиб келмоқда.

Ўтган давр мобайнида 34 марта олий даражадаги ўзаро ташрифлар амалга оширилган бўлса, уларнинг деярли ярми сўнгги беш йилга тўғри келади. Икки давлат раҳбарлари халқаро ва минтақавий мазмундаги кўп томонлама тadbирлар доирасида ҳам мунтазам учрашиб туради: 2016 йилдан буён 17 та ана шундай учрашув бўлиб ўтди.

Бу Қозоғистон билан дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустақкамлаш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири эканини яққол намоён этади. Шу нуқтаи назардан, бугунги кунда икки давлат ҳамкорлигини ривожлантиришнинг янги босқичида бўлиб, стратегик шерикликни мустақкамлаш, Марказий Осиё салоҳиятини юксалтириш, умумий маконимизнинг хавфсиз ва барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилган алоқаларни ҳар томонлама фаоллаштириш билан ажралиб туради. Натижада минтақада мутлақо янги сиёсий муҳит шаклланди.

ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) Бош Ассамблеяси 2023 йилда Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган бўлди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — туризм ва спорт вазири Азиз Абдуҳақимов UNWTOнинг Мадрид шаҳрида (Испания) ўтган 24-сессияси доирасидаги овоз бериш жараёни натижаларига кўра маълум қилди.

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИДА ИЛК БОР САМАРҚАНДАДА
БМТ ОИЛАСИГА КИРУВЧИ ТАШКИЛОТНИНГ
БОШ АССАМБЛЕЯСИ ЎТКАЗИЛАДИ

— Мамлакатимиз тарихида илк бор БМТ оиласи таркибига кирувчи ташкилотнинг Бош Ассамблеяси Ўзбекистонда бўлиб ўтиши, аввало, Президентимиз олиб бораётган ички ва ташқи сиёсат мазмундорлиги, шунингдек, туризм соҳасини ривожлантириш орқали мамлакатимизнинг жаҳон саҳнида нуфузини янада ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар самарасидир, — деди А.Абдуҳақимов. — Таъкидлаш жоизки, UNWTO XXV Бош Ассамблеяси Самарқандда ўтказилиши қадимий ва ҳамisha навқирон заминга кўплаб хорижлик меҳмонларнинг ташриф буюришига зўр имконият яратди. Ўз навбатида, юртимиз сайёҳлик салоҳияти, халқимизнинг меҳмондўстлиги, табииатимизнинг бетакрор жозибаси жаҳон оммавий ахборот воситалари вакиллари эътиборини тортди шубҳасиз. Демак, мамлакатимизнинг сайёҳлик имкониятларини кенг тарғиб этиш ҳамда юртимизга янада кўпроқ сайёҳларни жалб этиш учун ҳам кенг йўл очилади.

Қайд этиш жоизки, Бутунжаҳон туризм ташкилоти ва унга аъзо давлатлар билан ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш, мамлакатимизнинг нуфузини ошириш, халқаро ташкилотлар билан муносабатларни янада кенгайтириш, маданий ва туризм салоҳиятини тарғиб қилиш мақсадида 30 ноябрь — 2 декабрь кунлари Ўзбекистон делегациясининг Испания қироллиғига ташрифи ташкил этилди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22-23 март кунлари Қозоғистонга давлат ташрифи ҳамда Қозоғистон Президенти Қасим-Жомарт Тоқаевнинг 2019 йил 14-15 апрель кунлари Ўзбекистонга давлат ташрифи янги босқичдаги ҳамкорлигининг янада ривож топишига кучли туртки берди. Ушбу ташрифлар натижасида 20 дан ортиқ ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжат, шунингдек, савдо-иқтисодий ҳамкорлик соҳасидаги битимлар тўплами имзоланди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳақиқий ҳамкорлар сифатида халқаро сиёсатда бир-бирини қўллаб-қувватлаб, БМТ, ШХТ, МДХ, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Ислон ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти, Оролни кутқариш халқаро жамғармаси ва бошқа халқаро тузилмалар доирасида самарали ҳамкорлик қилмоқда. Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик кўплаб масалалар юзасидан томонларнинг позициялари ўхшаш ёки яқин.

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги парламентлараро мулоқот фаоллашди. Томонлар қонун ижодкорлиги, жумладан, халқаро парламент тузилмалари доирасидаги тажрибаларни ўрганиш мақсадида мунтазам равишда делегацияларнинг ўзаро ташрифларини амалга оширмоқда.

Қозоғистон Ўзбекистоннинг муҳим савдо-иқтисодий шерикларидан биридир. Мустақил тараққиёт йўлини бир вақтнинг ўзида бошлаган мамлакатларимиз иқтисодийётни модернизациялаш ва ривожлантиришда бир-бирини қўллаб-қувватламоқда. Ўзбекистон Қозоғистонга табиий газ, транспорт воситалари, минерал ўғитлар, тўқимачилик, электротехника, мева-сабзавот маҳсулотлари, қурилиш материал-

лари, бошқа товарлар ва хизматлар экспорт қилади. Ўз навбатида, Қозоғистондан мамлакатимизга нефть, металл, ун, ёғ ва нефть маҳсулотлари келтирилади. Давлатлар ўртасидаги савдо муносабатларида тўлиқ эркин савдо режими амал қилади.

Сўнгги беш йилда мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш, пандемия шароитига қарамаздан, барқарор ўсиб бормоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўн ойи якунларига кўра, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 37 фоизга кўпайиб, уч миллиард доллардан ошди. Бугунги кунда Ўзбекистонда қозоғистонлик ишбилармонларнинг 2 минг 291 та корхонаси, Қозоғистонда эса ўзбек капитали иштирокида 1 минг 200 та корхона фаолият юритмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан икки мамлакат ҳудудлари ўртасидаги муносабатлар фаоллашгани бу борадаги ҳамкорлиқни янада мустақкамламоқда. 2021 йил 25-26 ноябрь кунлари Туркистон шаҳрида III Ҳудудлараро форум бўлиб ўтди ва унинг якунлари бўйича 611 миллион долларлик 54 та шартнома, жумладан, 372 миллион долларлик инвестиция лойиҳалари имзоланди.

Транспорт коммуникациялари соҳаси ўзаро ҳамкорлиқни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан биридир. Мамлакатларимиз автомобиль ва темир йўллари ўзаро интеграциялашган. Ушбу муҳим алоқа тармоғи учинчи давлатлар учун транзит вазифасини ҳам бажаради. Бу борадаги истиқболли лойиҳалар қаторида бугунги кунда Учқудуқ — Қизил — Ўрда участкасида янги йўлак барпо этилаётгани, Туркистон — Тошкент теъзорар темир йўлининг ишга туширилишини алоҳида таъкидлаш лозим.

Икки давлат умумий чегарага эга, айрим но-аниқликлар мавжудлиги ўзаро муносабатларда кўп йиллар давомида муаммо бўлиб келган. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг қўшни давлатларга нисбатан очик сиёсат эълон қилгани, улар билан муносабатлар стратегик шериклик даражасига олиб чиқилгани ва ҳудуд-

лараро ҳамкорлик ривожлантирилаётгани минтақада баҳсли масалалар эҳтимолини пасайтирди. Ўзбекистон Қозоғистон билан чегарани демаркация қилишга киришди ва 2017 йил Қозоғистон, Туркменистон ва Ўзбекистон давлат чегараларининг туташган ҳудуди тўғрисидаги шартнома имзоланди. Мазкур тарихий ҳужжат қадим замонлардан бери ёнма-ён яшаб келаятган ва қариндошлик ришталари билан боғланган халқлар учун ушбу долзарб масалага ечим топиш имкониятини тақдим қилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Ўзбекистонда 803,4 минг қозоқ миллатига мансуб юртдошларимиз истиқомат қилади, Қозоғистондаги ўзбеклар жамоаси эса 500 минг кишини ташкил этади. Улар икки давлат рағнақи ва гуллаб-яшнашига, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва қардошлик ришталарини мустақкамлашга хизмат қилмоқда. 600 нафардан ортиқ қозоқ миллатига мансуб ўзбекистонликлар ва Қозоғистон фуқароси бўлган 20 нафардан ортиқ ўзбеклар икки мамлакатнинг давлат мукофотлари билан тақдирланган.

Ўзбекистонда 1992 йилдан буён Қозоқ маданият маркази фаолият юритмоқда. Ушбу жамоатчилик ташкилотининг 30 га яқин ҳудудий ва вилоят бўлимлари мавжуд. Мамлакатимизда қозоқ миллати вакилларининг ўзига хос маданияти, анъаналари ва тилини асраб-авайлаши учун барча шароитлар яратилган. Хусусан, 400 та мактабда дарслар, жумладан, қардош халқ тилида олиб борилади, 162 та мактабда эса таълим фақат қозоқ тилида ташкил этилган. Қозоқ тилида олий ва касб-хунар таълими олиш учун Тошкент давлат педагогика университети, Қорақалпоқ давлат университети, Гулистон давлат университети, Нукус, Жиззах ва Навоий давлат педагогика институтларида қозоқ тили ва адабиёти факультети ва кафедралари фаолият юритади.

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги маданий-гуманитар ҳамкорлик 1994 йил

10 январь кунги имзоланган Маданият, соғлиқни сақлаш, илм-фан, таълим, туризм ва спорт соҳаларида ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисидаги ҳукуматлараро битим асосида амалга оширилмоқда. Икки мамлакат илмий ва таълим муассасалари ўртасида ўқитувчи ва талабалар, ўқув-услубий материаллар алмашинуви соҳасида тўғридан-тўғри алоқалар йўлга қўйилган. Ўзбекистон университетлари Қозоғистоннинг 50 дан ортиқ олий ўқув юрти билан ҳамкорлик шартномаларига эга.

Икки мамлакат Фанлар академиялари ўртасидаги самарали ҳамкорлик анъанавий тарзда ихтисослашган институтлар даражасида амалга оширилмоқда. Қозоғистон вакиллари Самарқандда ўтказиладиган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалида мунтазам иштирок этиб келади.

2018 йил “Қозоғистонда Ўзбекистон йили” ва 2019 йил “Ўзбекистонда Қозоғистон йили” деб эълон қилиниши муносабати билан 200 га яқин кўргазма, концерт, театр гастроллари, маданият ва кино кунлари, бошқа тadbирлар ўтказилди.

Давлат раҳбарларининг мулоқотида ҳамisha илм-фан, таълим, маданият, санъат, туризм, спорт ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлиқни янада фаоллаштиришга интилиш қатъий таъкидлаб келинади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўзаро ҳурмат, ишонч ва очиклик тамойилларига асосланган мустақкам тарихий ришталарга, кўп асрлик қардошлик ришталарига таянган ҳолда, нафақат ўз халқлари, балки бутун Марказий Осиё халқларининг фаровонлиги йўлида муваффақиятли ва самарали ҳамкорликни давом эттирмоқда.

Бўлажак ташриф ва олий даражадаги музокаралар Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик, хавфсизлик ва изчил тараққиётни таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

“Дунё” АА

ТОШКЕНТ ФОРУМИ

ЎЗБЕКИСТОНДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ
ЖАРАЁНИ ОРТГА ҚАЙТМАС ТУС ОЛДИ

Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Мамлакатимизда 9 декабрь — Халқаро коррупцияга қарши курашиш кунги муносабати билан махсус ҳафталик бўлиб ўтмоқда. Унинг доирасида Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, БМТ Тараққиёт дастури, БМТ гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бошқармаси, ЕХХТ, ИХТТ ҳамкорлигида коррупцияга қарши курашиш бўйича Тошкент форуми ташкил этилди.

Офлайн ва онлайн шаклида бўлиб ўтган тadbирда тегишли вазирлик, идора, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, олимлар, мутахассислар, журналистлар билан бир қаторда Украина, Озарбайжон, Қозоғистон, Малайзия, Хитой, Грузия, Словениянинг коррупцияга қарши курашиш бўйича идоралари раҳбарлари ҳамда хорижлик экспертлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Т.Норбоева, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари А.Саидов, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори А.Бурханов ва бошқалар мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар, эришилаётган натижалар ва истиқболдаги муҳим вазифалар хусусида сўз юритди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда коррупциянинг олдини олишга қаратилган изчил чора-тadbирлар амалга оширилмоқда, қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва дастурлар қабул қилинди. Хусусан, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун билан давлат органларининг бу борадаги вазифалари аниқ белгиланб берилди. Шунингдек, бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида очиклик ва шаффофлиқни таъминлаш, “яширин иқтисодий”ни қисқартириш чоралари қўрилмоқда. “Коррупциясиз соҳа” лойиҳаси амалга оширилляпти. Бу йўналишда давлат сиёсатини амалга оширувчи ағона орган — Коррупция-



га қарши курашиш агентлиги ташкил этилди. Соҳага оид умумий фаолиятни ташкил этишга қаратилган коллегиял орган — Коррупцияга қарши курашиш миллий ҳамда ҳудудий кенгашлар иши йўлга қўйилди.

Форум иштирокчилари қайд этганидек, коррупцияга қарши курашишда очиклик ва шаффофлиқни таъминламасдан туриб ишобий натижага эришиш қийин. Шу мақсадда ўтган қисқа вақт давомида ҳар бир норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини оммавий муҳокама қилиш, давлат бюджети ва харидлари тўғрисидаги маълумотларни қўриш ҳамда реал вақт режимида кузатиш имконини берувчи онлайн платформалар ишга туширилди. Очик маълумотлар портали фаолияти сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилгани, Ягона интерактив давлат хизматлари портали, электрон лицензиялаш тизими ва “Mening fikrim” жамоавий мунозабатлар портали фаолияти йўлга қўйилгани бу борадаги муҳим қадамлардан бўлди. Бундай кенг қўламли ишлар натижасида 2020 йил якунларига кўра, Ўзбекистон “Очик маълумотларни кузатиш” халқаро индексида 125 пўғонага кўтарилди, 44-ўринни эгаллади.

Тadbирда сўзга чиққан БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Матильда Димовска, ЕХХТнинг мамлакатимиздаги лойиҳа координатори, элчи Пьер фон Аркс, Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги делегацияси раҳбари, элчи Шарлотта Адриан

ва бошқалар юртимизда бу йўналишда амалга оширилаётган ишхотларни алоҳида таъкидлади. Ўзбекистонда сўнгги йилларда коррупцияга қарши курашиш борасида кучли сиёсий ирода шакллангани ва бу жараён ортга қайтмас тус олганини алоҳида таъкидлади. Ушбу глобал муаммага қарши курашишда халқаро ҳамжамият Ўзбекистон билан ҳамқадм эканига урғу берилди.

Форумда коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш, давлат хизматининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш, бу йўналишда илғор тажрибаларни оммалаштириш, ҳуқуқий ва институционал базани янада такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Давлат бошқарувида коррупцияга қарши курашиш бўйича таъсирчан чора-тadbирларни қўриш, шу жумладан, коррупцияга қарши курашиш “комплаенс-назорат” тизимини жорий этиш, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, мансабдор шахсларнинг мол-мулкни декларация қилиш ва тартибга солиш усуллари, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишда фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситаларини жалб этиш юзасидан фикр алмашилди.

Тadbир доирасида Ўзбекистонда чоп этилаётган “Uzbekistan Anti-corruption digest” журналининг илк сонни тақдими бўлиб ўтди.

МУНОСАБАТ

Ташкилотимизнинг халқаро нуфузи ва обрўсини ошириш, бошқа минтақавий ташкилотлардан фарқ қиладиган ва ўзига хос кун тартибига эга бўлиш, етакчи халқаро тузилмалар билан алоқаларни мустаҳкамлаш, ҳамкорлигимизнинг институционал механизмларини ривожлантиришни ҳозирги даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

УМУМий МАНФААТЛАР КЎЗЛАНГАН ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК — ЙИРИК ИҚТИСОДИЙ ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ КАФОЛАТИ



Акбаршоҳ ТЕШАБОВЕВ,
Олий Мажлис ҳузуридаги
Қонунчилик муаммолари
ва парламент тадқиқотлари
институтини бўлим бошлиғи

Бугунги пандемия шароитида давлатлар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Чунки пандемия ҳалигача ўз таъсирини йўқотмаган бир муҳитда иқтисодиётнинг истиқболли тармоқларида кўп томонлама ва ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорликни амалга ошириш давлатлар ва ҳукуматлар олдидаги долзарб масалага айланиб бормоқда.

ги иқтисодий йўқотишларнинг ўрнини қоплаш ва янги истиқболли лойиҳаларни амалга оширишни тақозо этмоқда. Шу сабабли, Ўзбекистон учун минтақавий иқтисодий ташкилотдаги самарали фаолият ва манфаатли ҳамкорлик ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.

Учинчи ижобий жиҳат: аъзо давлатлар каби Ўзбекистоннинг ҳам минтақада қўлай транспорт йўлакларига эга бўлиш имконияти мавжудлиги.

Иқтисодий имкониятларини оширишни истаган ҳар бир давлат савдо-сотиқ соҳасини ривожлантириш учун қўлай транспорт йўлакларига эҳтиёж сезиши табиий. Хусусан, ишлаб чиқарилган товарларнинг экспорти ва ўзаро товар айирбошлаш ҳажми кўрсаткичлари бевосита транспорт йўлакларига эга бўлишга боғлиқ. Бундай имконият эса Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти доирасида мавжуд бўлиб, ундан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Тўртинчи ижобий жиҳат: Ташкилот доирасидаги ҳамкорлик аъзо давлатлар ўртасида туризм соҳасини ривожлантириш, бу борада қўшма дастурларни амалга ошириш орқали сармоялар оқимининг кўпайишига хизмат қилади.

Дини, урф-одати ва анъаналари бир бўлган ҳамкор давлатлар ўртасида туризм соҳасининг истиқболли йўналишлари, хусусан, сайёҳлик ва зиёрат туризмидagi ҳамкорликни янада кенгайтириш халқларни ҳам маънан, ҳам фикран бирлаштириш асосида иқтисодиётда ушбу йўналиш улушининг орттишига хизмат қилади.

Президентимиз жорий йилнинг 28 ноябрь кўни Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтган Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг 15-саммитида аъзо давлатлар ўртасида иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш, пандемиядан кейинги даврда иқтисодиётнинг эҳтиёж мавжуд бўлган тармоқларини ривожлантириш, истиқболли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ амалий тақлифларни ўзида муҳассас этган тарихий нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбарининг мазкур нутқи ўз моҳияти ва қамрови жиҳатидан кўп фарқ қилади.

Биринчи фарқ, нутқ аввалида Ташкилотга Туркманистоннинг раислиги амалий натижаларга сабаб бўлгани эътироф этилди.

Хусусан, Президентимиз томонидан Туркманистоннинг Ташкилотга раислиги ҳамкор давлатлар ўртасида кўп томонлама алоқаларни кенгайтириш йўлида амалий аҳамиятга эга бўлди, десак муболаға бўлмайди. Хусусан, мазкур даврда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти билан шериклик тўғрисидаги резолюцияси қабул қилинди. Резолюциянинг қабул қилиниши:

— Ташкилотнинг халқаро майдондаги нуфузи ва ўрнининг янада мустаҳкамланишига;

— Ташкилотнинг энг нуфузли халқаро тузилма бўлиши БМТ билан ҳамкорлиги ўрнатилишига ва унинг ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланишига;

— Ташкилотга аъзо давлатлар фаолият кўламини кенгайтиришнинг янги истиқболлари белгиланишига хизмат қилишини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Иккинчи фарқ, нутқда Ташкилот доирасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш, бу борадаги алоқаларни мустаҳкамлашда Ўзбекистон Ташкилотга бўлажа раис сифатида самарали фаолият юритиши бўйича муносабат билдирилди.

Учинчи фарқ, Президентимиз пандемия таъсирида жаҳон иқтисодиёти ривожига таъсир кўрсатувчи хавф-хатарлар юзасидан асосланган фикрларни айтди.

Тўртинчи фарқ, Ташкилот фаолиятининг таъсирли жиҳатларига янгича ёндашуларни жорий этган ҳолда, уни такомиллаштиришнинг муҳим томонлари юзасидан асосланган фикрларни айтди.

Бешинчи фарқ, давлатимиз раҳбари саммитнинг якуний ҳужжати бўлиши Ҳаракатлар учун Ашхобод консенсуси қабул қилинишини билдирди.

Маълумки, давлатимиз раҳбари ўзининг ҳар бир нутқида халқаро минбарлардан туриб, дунё ҳамжамияти миқёсида муҳим аҳамиятга эга бўлган долзарб ташаббуслар ва асосланган тақлифларни илгари суриб келмоқда. Ушбу саммитда ҳам Президентимиз томонидан Ташкилот доирасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида жами тўртта муҳим ҳужжатни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, унга янги тузилмани ташкил этиш тақлифи билдирилди.

Глобал ва минтақавий вазият тобора мураккаблашиб бораётган пайтда Ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида қуйидаги тўртта муҳим йўналиш бўйича умумий сазъ-ҳаракатларни олиб бориш юзасидан тақлифлар билдирилиб, уларни амалга ошириш механизмлари ҳам кўрсатиб ўтилди.



Биринчи, ташкилотга аъзо мамлакатларнинг савдо ва инвестиция соҳаларидаги катта имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш йўналиши.

Ушбу йўналиш доирасида: **биринчи тақлиф** — “Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти истиқболлари – 2025” дастури асосида савдо-иқтисодий ва инвестиция соҳаларида амалий натижадорликка эътибор қаратган ҳолда, Ташкилот доирасида янгиланган ва кенг қамровли Савдо битимини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

иккинчи тақлиф — аъзо давлатлар ўртасида ўзаро сармоялар оқимини кўпайтириш ва уларни ишончли ҳимоя қилиш, саноат кооперациясини кучайтиришга қаратилган Қўшма ҳаракатлар дастурини қабул қилиш;

учинчи тақлиф — ўзаро савдо ҳажмларини ошириш, минтақавий аҳамиятга эга лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва жаҳон бозорида умумий рақобатбардошликни кучайтириш мақсадида БМТнинг Саноатини ривожлантириш ташкилоти ЮНИДО ва Марказий Осиё иқтисодиёти учун СПЕКА Махсус дастури билан ҳамкорликда қароргоҳи Тошкент шаҳрида жойлашадиган Савдо, инвестициялар ва инновациялар марказини ташкил этиш юзасидан тақлифлар илгари сурилди.

Иккинчи, минтақадаги мавжуд ва янги транспорт йўлакларидан унумли фойдаланиш йўналиши.

Президентимиз мазкур йўналиш доирасида минтақалараро транзит хабларини ташкил этиш, замонавий транспорт ва йўл инфратузилмаларини ривожлантириш, транспорт ва транзит тарифларини оптималлаштириш ҳамда қўшимча чегирмаларни тақдим қилиш, халқаро юк ва йўловчи ташиш шартларини енгилаштириш, транспорт соҳасини рақамлаштириш каби масалалар бўйича аниқ ечимларни ишлаб чиқишга эътибор қаратиш лозимлигини билдирди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон томонидан илгари сурилаган ушбу тақлифлар бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан ҳисобланиб, улар иқтисодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Чунки енги шартлар асосида юк ташиш, ўзаро товар айирбошлаш, транспорт йўлакларидан фойдаланишда чегирмаларни тақдим этиш Ташкилотнинг бир бутунлигини таъминлашга хизмат қилибгина қолмай, минтақада ҳар жиҳатдан рақобатбардошликка эга бўлган иқтисодий муносабатлар шаклланишига ҳам олиб келади.

Шу мақсадда, давлатимиз раҳбари юқоридagi масалаларни ҳал этиш мақсадида Ташкилотга аъзо давлатларнинг транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш ва транзит салоҳиятини кенгайтиришга қаратилган **Минтақавий стратегияни ишлаб чиқиш** тақлифини илгари сургани Ташкилот фаолияти самарадорлигини таъминлашда муҳим омил бўлиши, шубҳасиз.

Учинчи, “яшил тараққиёт”га эришиш учун Ташкилот доирасидаги амалий сазъ-ҳаракатларни сафарбар этиш йўналиши.

Президентимиз мазкур йўналиш доирасида қуйидаги долзарб вазифаларни амалга ошириш лозимлигини таъкидлади:

биринчи вазифа — “яшил иқтисодиёт”ни биргаликда фаол ривожлантириш;

иккинчи вазифа — саноат тармоқларига ресурстежамкор технологияларни кенг татбиқ этиш;

учинчи вазифа — углерод нейтраллигига эришиш.

Шунингдек, Президентимиз мазкур долзарб вазифаларни самарали амалга ошириш бўйича халқаро эколог олимлар ва экспертлардан иборат таркибда юқори даражадаги **доимий Мулоқот кенгаши**ни тузиш тақлифини билдирди.

Айтиш мумкинки, ушбу тақлифнинг амалга оширилиши минтақада экологик хавф ва хатарларга қарши курашиш, иқтисодиётнинг экологияга нисбатан зарарларини камайтириш, соғлом атроф-табиий муҳитни шакллантиришда амалий аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбари **тўртинчи йўналиш** сифатида Ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида сайёҳлик алмашувларини қайта тиклаш масаласига барчаннинг эътиборини қаратди. Коронавирус пандемияси энг катта салбий таъсир кўрсатган соҳалардан бири, бу — туризм. Шу сабабли, минтақада пандемиядан кейинги даврда **Хавфсиз сайёҳликни ривожлантириш умумминтақавий Дастурини ишлаб чиқиш** тақлиф этилди.

Хавфсиз туризмни яратиш Ўзбекистон учун янги масала эмас. Айтиш жоизки, мамлакатимизда қанчалик оғир бўлмасин, пандемия шароитида ҳам туризм соҳасини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, юртимиз сайёҳлик жозибадорлигини ошириш, ушбу соҳанинг иқтисодиётдаги улушини сақлаб қолиш мақсадида қўллаб амалий чора-тадбирлар қўрилмоқда. Шу мақсадда, сўнгги беш йилда туризм соҳасининг у ё бу тармоқига доир масалаларни ўзида ифода этган **130 дан зиёд** норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Уларнинг **30 га яқини** хавфсиз туризмни таъминлашга тааллуқли ҳужжатлар ҳисобланади.

Шунингдек, Президентимиз ўз нутқида Афғонистон масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтганини таъкидлаш ўринли. Давлатимиз раҳбари бугунги мураккаб вазиятда оғир гуманитар инқирозга кириб бораётган Афғонистон давлати билан **3 та муҳим соҳа** бўйича лойиҳаларни амалга ошириш зарурлигини қайд этди.

Биринчи муҳим соҳа — минтақавий аҳамиятга эга бўлган савдо-сотиқ соҳасида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш.

Иккинчи муҳим соҳа — транспорт.

Учинчи муҳим соҳа — энергетика.

Юртбошимизнинг яқин қўшимиз бўлмиш афғон халқига бугунги қийин кунларда ёрдам қўлини узатиш, уларга қийин синовларни енгиб ўтишида қўмаклашиш борасида билдирган фикрлари янги Ўзбекистоннинг нафақат ўзи, балки қўшнилари учун ҳам доимо эзгуликни кўзлашти, ҳар қандай вазиятда ҳам яқин биродар ва дўст сифатида оқилона муносабатда бўлишини аниқлатади.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг мазкур нутқи Ташкилот фаолиятининг тақлидий жиҳатларини такомиллаштиришга қаратилган амалий ташаббуслари билан ҳам аҳамиятга молиқдир.

Биринчи ташаббус: Ташкилот фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича аниқ тақлиф ва тавсияларни тайёрлаб борувчи юқори даражадаги **экспертлар гуруҳини** тузиш.

“ ИҚТИСОДИЙ ИМКОНИЯТЛАРИНИ ОШИРИШНИ ИСТАГАН ҲАР БИР ДАВЛАТ САВДО-СОТИҚ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ҚўЛАЙ ТРАНСПОРТ ЙўЛАКЛАРИГА ЭҲТИЁЖ СЕЗИШИ ТАБИИЙ. ХУСУСАН, ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ТОВАРЛАРНИНГ ЭКСПОРТИ ВА ЎЗАРО ТОВАР АЙИРБОШЛАШ ҲАЖМИ КўРСАТКИЧЛАРИ БЕВОСИТА ТРАНСПОРТ ЙўЛАКЛАРИГА ЭҲА БўЛИШГА БОҒЛИҚ. БУНДАЙ ИМКОНИЯТ ЭСА ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ДОИРАСИДА МАВЖУД БўЛИБ, УНДАН УНУМЛИ Фойдаланиш МАҚСАДГА МУВОФИҚДИР.

Маълумки, иқтисодий ҳамкорлик ижтимоий муносабатлардан ортада қолиши мумкин эмас. Бу эса, мунтазам равишда иқтисодий ҳамкорлик алоқаларининг янги йўналишларини кашф этиш, янги лойиҳаларни амалга ошириш, истиқболли инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш, дунё бозорида рақобатбардошликни сақлаб қолиш бўйича янги хавф-хатарларга тайёр туриш бўйича илмий изланишларни олиб бориш, тадқиқот ишларини амалга оширишни тақозо этади. Президентимиз томонидан Ташкилот фаолиятини такомиллаштириш ишига юқори даражадаги экспертларнинг жалб этилиши унинг фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда янги бозор муносабатлари шароитида ҳамкорликни давом эттиришни кафолатлашга хизмат қилади.

Иккинчи ташаббус: Ташкилот доирасидаги ҳамкорликни ҳар бир йили учун устувор йўналишлардан келиб чиққан ҳолда ном бериш.

Маълумки, муҳим соҳаларнинг ривожини ва истиқболни аниқ белгиланган стратегия ҳамда режалар асосига қурилиши табиий. Соҳа ва тармоқларни ривожлантиришга қаратилган дастур ва стратегиялар ҳам ўз йўналиш ҳамда тармоқларига эга бўлади. Бу, айниқса, халқаро ҳамкорлик масалаларида муҳим аҳамият касб этади. Аниқ ном остида ишлаб чиқилган дастурлар асосидаги фаолият иштирокчилар учун ҳар жиҳатдан манфаат келтиради.

Шу мақсадда, Президентимиз томонидан билдирилган ушбу ташаббус Ташкилот доирасида ҳамкорлик самарадорлигини ошириш, аъзо давлатлар манфаатдорлигини таъминлаш, истиқболдаги режаларни аниқ тизимга солишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

“ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ 15-САММИТИ Ўзбекистоннинг Ташкилотдаги ва минтақадаги нуфузини мустаҳкамлаш борасида янги босқич бўлди. Негаки, 2022 йилда Ташкилотга Ўзбекистоннинг раислиги асосидаги тақлифларни амалга ошириш мақсадида жами тўртта муҳим ҳужжатни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, унга янги тузилмани ташкил этиш тақлифи билдирилди. Маълумки, давлатимиз раҳбари ўзининг ҳар бир нутқида халқаро минбарлардан туриб, дунё ҳамжамияти миқёсида муҳим аҳамиятга эга бўлган долзарб ташаббуслар ва асосланган тақлифларни илгари суриб келмоқда. Ушбу саммитда ҳам Президентимиз томонидан Ташкилот доирасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида жами тўртта муҳим ҳужжатни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, унга янги тузилмани ташкил этиш тақлифи билдирилди. Глобал ва минтақавий вазият тобора мураккаблашиб бораётган пайтда Ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида қуйидаги тўртта муҳим йўналиш бўйича умумий сазъ-ҳаракатларни олиб бориш юзасидан тақлифлар билдирилиб, уларни амалга ошириш механизмлари ҳам кўрсатиб ўтилди.

Президентимизнинг Ўзбекистон Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига раислик қиладиган даврни **“Ўзаро узвий боғлиқликни мустаҳкамлаш йили”** деб эълон қилишга доир тақлифи фикримиз ёрқин исботидир.

Янги Ўзбекистоннинг умумий интилиши ва ҳаракатлари бир бўлган давлатлар билан ўзаро самарали ҳамкорлиги, манфаатли алоқаларни меҳнаткаш халқимиз, айниқса, ёшларнинг истиқбол учун муҳим аҳамият касб этади. Зеро, иқтисодий салоҳияти қудратли юртини ўз фарзандлари учун муносиб шарт-шароитларни яратиб бериш имкониятига эга.

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИ

ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ, МИЛЛАТ ФАРОВОНЛИГИ ЁШ АВЛОД ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИ, ЗАМОНАВИЙ БИЛИМ ОЛИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ



Баҳромжон МАМАДИЕВ,
Ўзбекистон халқаро ислом
академияси проректори,
тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори

Дунёдаги етакчи олий таълим ва илмий-тадқиқот марказлари орасида ўз нуфузига эга бўлиб бораётган Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳам айнан юқоридаги ҳуқуқий ҳужжат асосида ташкил қилинди. Дастлаб Тошкент ислом университети ва кейинчалик бир муддат Ўзбекистон ислом академияси сифатида фаолият юритган мазкур олий таълим ҳамда илмий-тадқиқот марказига халқаро академия мақоми берилди.

Сўнгги уч йил давомида Ўзбекистон халқаро ислом академияси томонидан ҳар жиҳатдан ўз мақомига муносиб бўлиш ҳамда халқаро миқёсда етакчи ўринларни эгаллаш учун тўб бурилиш қилинди. Хусусан, нуфузли хорижий олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказлари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқалари сезиларли кенгайди. Натижада академия профессор-ўқитувчилари, ёш илмий тадқиқотчиларининг халқаро конференция, илмий семинарлар ҳамда халқаро грантлардаги иштироки фаоллашиб, хорижлик профессор-ўқитувчилар, талабалар, докторант ва илмий-тадқиқотчиларнинг академия ўқув жараёнига жалб этилиши тўғрисида илмий-тадқиқот олиб бориш кўрсаткичи йилдан-йилга ўсмокда.

Илм-фан соҳасидаги ҳамкорлик

Бугунги кунда Ўзбекистон халқаро ислом академияси Европа, Африка ва Осиёдаги 14 мамлакатнинг 37 та нуфузли олий таълим, илмий-тадқиқот муассасаси ва халқаро ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқаларини изчил амалга ошириб

келмокда. Эътиборлиси, мазкур ҳужжатларнинг 32 таси академия халқаро мақомига эга бўлгач, имзолашиб, ҳамкорлик алоқалари янги bosқичга кўтарилди. Хусусан, утган қисқа вақтда Миср Араб Республикасининг Ал-Азҳар университети, Россия Фанлар академияси Шарқ қўлэмалари илмий-тадқиқот институти, Россия ислом институти, Қозон Федерал университети халқаро муносабатлар институти, Татаристон Республикаси Фанлар академияси Ислмошунослик тадқиқотлар маркази, Болгар ислом академияси, Германиянинг Лейбниц замонавий шарқшунослик маркази (ZMO), Берлин Эркин университети, Мюнстер университети, Буюк Британиянинг Кэмбриж Марказий Осиё форуми, Саудия Арабистонидаги Ислом тадқиқот ва таълим институти (IRTI), Япониянинг Аичи санъат университети, шунингдек, Туркиянинг 5 та, Индонезиянинг 3 та, Малайзиянинг 4 та, Қозоғистоннинг 3 та дунё рейтингида етакчи олий таълим ва илмий-тадқиқот марказлари билан мустаҳкам илмий-педагогик ҳамкорлик ўрнатилди. Бу ўринда Инҳа университети ҳамда М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети амалий математика ва информатика факультетининг Тошкент шаҳридаги филиаллари билан илмий алоқалар ўрнатилганини ҳам айтиб ўтиш зарур.

Айни пайтда Озарбайжон илоҳиёт институти, Болгар ислом академияси (Россия), Салжук, Истанбул ва Анқара (Туркия), Малайзия ислом илмлари (Малайзия), Аичи санъат (Япония), Нур-Муборак Миср маданияти, Султон Шариф Қосим РИАУ (Қозоғистон), Ислом тарихи, санъати ва маданияти тадқиқотлари маркази (IRICICA), Ислом тараққиёт банки, ICESCO, UNESCO, TIKA, KOIKA, JICA каби халқаро ташкилотлар билан ҳам ҳамкорлик алоқалари мунтазамлик касб этиб улгурди.

Ҳозир бу борадаги ишлар узлуқсиз давом эттирилиб, Ўзбекистон халқаро ислом академияси бир неча лойиҳалар устида иш олиб бормокда. Хусусан, ислом дини ва дунёвий фанларнинг ўқитилиши бўйича дунёда ўз нуфузига эга бўлган Мисрнинг Танта, ал-Миния, Искандрия университетлари, Қатарнинг Қатар университети, Қатар ислом санъати музейи, Қатар Миллий кутубхонаси каби муассасалар билан меморандум ва келишув лойиҳалари тайёрланди ҳамда мувофиқлаштириш ишлари амалга оширилмокда.

Академияга 2018-2021 йиллар давомида Европа, Африка, Америка, Австралия ва Осиё етказувчиларининг 20 дан ортиқ давлатидан 110 га яқин ташриф ва мурожаатлар бўлди. Ушбу ташриф асосида ўша мамлакатлардаги бир неча университет, илмий-тадқиқот марказлари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини боғлаш юзасидан келишувларга эришилди.

Профессор-ўқитувчилар ва ёш тадқиқотчилар илмий сафарларда

Ўзбекистон халқаро ислом академияси профессор-ўқитувчилари, докторант ва талабалари дунёнинг ўндан зиёд мамлакатларида нуфузли хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот марказларига илмий, амалий сафарлар уюштирди. Бу сафарлар академияни хорижда танитиш ва тақдироти уни



казиш, халқаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, нуфузли конференция ва семинарларда қатнашиб, профессор-ўқитувчиларнинг хорижда малака ошириши, магистр ва докторантларнинг илмий-тадқиқот ўтказиши мақсадида ташкил этилди.

Хусусан, Академия илмий тадқиқотчилари Туркиянинг Ислом тадқиқотлари маркази, Буюк Британиянинг NILE (Norwich Institute for Language Education) тил ўқитиш институти ҳамда Малайзия ислом илмлари университети билан тузилган ўзаро аниқлашув меморандуми асосида юртимизга тааллуқли ноёб қўлэмаларни тадқиқ қилиш билан биргаликда хорижлик талабаларга маҳорат дарслари ўтиб, амалий тажриба алмашинуви йўлга қўйилган.

Академия — халқаро конференция ва семинарлар мезбони

Академиянинг халқаро майдондаги имижини ошириш, халқаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, профессор-ўқитувчилар малакаси, тажрибасини ошириш мақсадида юртимизда ҳам халқаро конференция, семинар ва тренинглар ташкил этиш анъанавий тус олган.

Эътиборлиси, бу каби ўзаро мулоқотларда дунёга таниқли ислмошунос, диншунос олимлар ҳамда жамоатчилик вакиллари бугун дунёда глобал бўлиб турган муаммолар ва уларнинг ечимлари тўғрисида ислом маърифатининг аҳамияти хусусида фикр алмашиб, янги илмий-тадқиқотлар натижаси билан ўртоқлашаётгани илм-фан тараққиётига асос бўлмокда.

Яна бир жиҳат: Умон султонлигининг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда ўтказилган “Бағрикенглик, ўзаро аниқлашув, бирдамлик ва тотувлик” мавзусида халқаро кўргазма асосида академияда Умон султонлиги хонаси ташкил этилиб, замонавий ўқув воситалари билан жиҳозланди.

Академиянинг халқаро ҳамкорлиги доирасида нуфузли хорижий ташкилотлар билан бирга кафедралар ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмокда. Хусусан, 2019 йилда иккита — “Араб тили ва адабиёти Ал-Азҳар” ҳамда “Ислом тарихи ва манбаъшунослиги IRICICA” кафедралари ташкил қилинди. Бунга қадар эса “Диншунослик ва жаҳон динларини қиёсий ўрганиш UNESCO кафедраси” ва “Ислмошунослик ва ислом цивилизациясини ўрганиш ICESCO кафедраси” фаолият юритиб келаётган эди. Аҳамиятлиси, мазкур кафедра тўлиқ ICESCO томонидан

замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Ҳозир мазкур кафедрда республикамиз араб тили ўқитувчилари учун маҳорат дарслари ташкил этиб келинмокда. Ушбу кафедраларнинг халқаро ташкилотлар томонидан берилган хорижий илмий адабиётлар билан таъминлангани эса, ёшларнинг дунё илмий манбаларидан фойдаланиб, ўз илмий-тадқиқотларини бойитишга қулайлик яратган.

Маълумки, 2020 йилда бутун дунёда бўлгани каби коронавирус пандемияси юртимиз таълим даргоҳларининг ҳам бир муддат ёпилиши ва янги ўқув йилининг онлайн тартибда давом эттирилишига сабаб бўлди. Шунга кўра, онлайн ўқув дастурларини яратиш ва ўқув жараёнини видеоматериаллар билан бойитиш мақсадида Ўзбекистон халқаро ислом академияси ва ICESCO ўртасидаги келишув асосида замонавий медиамусуналар олинди, бугун улардан самарали фойдаланилмокда. Шунингдек, академиянинг бакалаврият ва магистратура bosқичида таҳсил олаётган 6 нафар иқтидорли талабаси ICESCO халқаро ташкилотининг махсус стипендияси соҳибига айланди.

Жорий йилда Ислом тараққиёт банки (ИТБ) Бошқарувчилар кенгашининг Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган 46-йиллик анжумани доирасида ҳам Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳамда ИТБ вакиллари ўртасида ҳамкорлик келишув имзолашиб, “Smart room” ташкил этиш бўйича академияга ҳоимийлик ёрдами кўрсатиладиган бўлди.

Хорижлик профессор-ўқитувчилар академияда

Академиянинг илмий салоҳиятини ошириш мақсадида хорижлик профессор-ўқитувчиларни ўқув жараёнига жалб этиш ишлари мунтазам амалга ошириб келинмокда.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси ташкил этилгандан сўнг 2018-2021 йилларда Мисрнинг Ал-Азҳар, Туркиянинг Анқара, Малайзиянинг ислом илмлари, Германиянинг Мюнстер университетлари, Россиянинг Болгар ислом академияси, Россия ислом институти каби ислмошунослик фани бўйича етакчи олий таълим ҳамда илмий тадқиқот муассасаларининг жами 100 нафардан ортиқ хорижий профессор-ўқитувчи ва мутахассислари таълим жараёнига жалб қилинди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг ҳам 70 нафар профессор-ўқитувчиси хорижий ОТМларда ўз маърузаси билан иштирок этди.

Хорижий талаба, докторант ва илмий-тадқиқотчилар фаолияти

Ўзбекистон халқаро ислом академиясида бугунги кунда Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Озарбайжон ҳамда Афғонистондан жами 30 нафар хорижлик талаба таълим олиш билан бирга, илмий-тадқиқот олиб бормокда. Бу ўринда 2019 йилнинг биринчи ярмида Малайзия ислом илмлари университети доценти Муҳаммад Юсуф Холид ва Австрия фанлар академияси Эроншунослик институти катта илмий ходими Паоло Сартори академияда илмий тадқиқот олиб бориб, уни муваффақиятли якунлаганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

2019-2020 ўқув йилидан бошлаб академиянинг бир нафар магистранти Франция давлати гранти асосида мамлакатнинг Экс-Марсель университети магистратурасида “Араб мусулмон ва ҳоимий-соимий халқлар дунёси” йўналишида ўқишни давом эттириш имкониятига эга бўлди.

Ҳозирда Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг халқаро миқёсда имижини ошириш, илмий салоҳиятини намоиш этиш орқали хорижлик фуқароларни ўқишга кенг тарғиб қилиш мақсадида таълим муассасаси расмий веб-сайти — www.iia.uz янгиланди. Жаҳон стандартларига мослаштирилган сайтда хорижлик абитуриентлар учун кенг маълумотлар қуйилди. Сайт орқали хориждаги виртуал боғланиш, онлайн ариза топшириш, видео ва фото-галерея юклаш, электрон кутубхонадан фойдаланиш имконияти яратилди. Ижтимоий тармоқларда расмий блоглар ташкил қилинди. Ҳозир академияда таҳсил олиш истиғини билдирган хориж фуқаролари масофадан туриб, электрон тарзда ҳужжат топшириши ва академияга кириш суҳбатидан ўтиши мумкин.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси халқаро Times Higher Education (THE) рейтинг агентлигининг 2021 йилги “Impact Rankings” рейтингида дунёдаги етакчи 1000 та олий таълим муассасаси рўйхатидан ўрин олди. Бунда Бирлашган Миллатлар ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадлари (BPM) (Sustainable Development Goals (SDGs)) ни амалга оширишда қанчалик муваффақиятга эришганлигига баҳо берилди. Мазкур рейтингда 17 та Барқарор ривожланиш мақсадларидан 11 таси бевосита олий таълим муассасалари фаолиятига боғлиқдир.

Ўзбекистон халқаро ислом академиясида амалга оширилган ишларнинг дастлабки самараси сифатида қатор кўрсаткичлар бўйича нуфузли мингта олий ўқув юрти қаторида қайд этилди. Бу борада жорий йилда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан эълон қилинган Миллий рейтингда Ўзбекистон халқаро ислом академияси Олий таълим муассалари умумий рейтингига етакчи 10 та, илмий салоҳият ва ижтимоий-гуманитар соҳа ОТМлари рейтингда энг юқори 5 та таълим муассасасидан бирига айланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони асосида юртимизда олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари белгиланди. Унга кўра, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги bosқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илгор таълим технологияларига асосланган ҳолда, ижтимоий соҳа ва иқтисодий тармоқларини ривожлантиришга устувор аҳамият қаратилмокда.

Шу боис, Ўзбекистон халқаро ислом академиясида ҳам халқаро рейтинг агентликлари рўйхатидан жой олиш учун пухта ишланган режа асосида иш олиб бориляпти. Чиндан ҳам жамият тараққиёти, миллат фаровонлиги ҳамиша ёш авлоднинг таълим-тарбияси, замонавий билимларни қўғур эгаллаган янги кадрларга боғлиқ бўлган. Бугун юртимизда таълим-тарбия соҳаси ривожига алоҳида эътибор қаратилаятгани, илм-фан, маърифат соҳаси вакиллари қар томонлама қўллаб-қувватланаётгани қувонарлиқдир. Зеро, қар қандай жамият келажаги замонавий билим олган, кенг дунёқарашга эга ёшларга боғлиқ.

КЎРГАЗМА “CRAFT FAIR TASHKENT — 2021”ГА СТАРТ БЕРИЛДИ

Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бир йил аввал Осиё-Тинч океани минтақаси (WCC-APR) Бутунжаҳон хунармандлар кенгашига 2021-2024 йиллар мобайнида раислик қилиш Ўзбекистонга ўтган эди. 34 та мамлакатдан 80 дан ортиқ делегат қатнашган Тошкентдаги анжуманда Бутунжаҳон хунармандлар кенгаши президенти Р.Гринлизи, ташкилотнинг Осиё ва Тинч Океани минтақаси президенти Г.Қаддуми, ташкилотнинг Европа, Африка, Лотин ва Шимолий Америка қитъаларидаги раҳбарлари, Бошқарув кенгаши аъзолари ҳамда аъзо мамлакатлар миллий ташкилотлари онлайн тарзда иштирок этган ва хунармандларнинг сара махсулотлари кўргазмаси ҳам ташкил этилган эди.

Пойтахтимиздаги Ёшлар иход саройида кеча “Craft fair Tashkent — 2021” кўргазмаси ва хунармандлар ярмаркасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Бир неча кун давом этадиган мазкур кўргазма юртимизнинг барча ҳудудларидан келган уста-хунармандларга ўз махсулотларини намоиш қилиш ва сотиш имконини бериши билан ҳам аҳамиятли.

Таъкидлаш жоизки, аслида давлатимиз раҳбари илк Президентлик лавозимига киришганидан бошлаб мамлакатимизда хунармандчиликни ривожлантириш, у орқали минглаб инсонларнинг отамерос хунар билан эркин шугулланишини таъминлаш ҳақида қайғурди. 2017 йилда давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган соҳага доир фармон ва 2019 йил-

даги қарор эса мазкур йўналишдаги ишларнинг жадал ривожланишига хизмат қилмокда. Хусусан, 2019 йилда ЮНЕСКО халқорилигида 1-Халқаро хунармандлар фестивалининг Қўқон шаҳрида ўтказилиши мамлакатимиз хунармандчилигида муҳим воқеа бўлди. Дунёнинг 80 га яқин давлатидан 570 нафар хунарманд, соҳада илмий, ва амалий фаолияти билан танилган олим ва мутахассислар иштирок этган фестивалда 2200 нафар маҳаллий халқ амалий санъати усталари ҳам ўз махсулотлари билан қатнашди. Бутунжаҳон хунармандлар кенгаши томонидан Қўқон шаҳрига ёғоч ўймакорлиги бўйича “Жаҳон хунармандлари шаҳри” мақоми берилиши эса ўзбек халқ амалий санъатининг халқаро миқёсда юксак эътирофи бўлди.

“Craft fair Tashkent — 2021” кўргазмаси очилиш маросимида нутқ сўзлаган Бутунжаҳон хунармандлар кенгаши Осиё-Тинч океани минтақаси раҳбари, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси А.Икромов Ўзбекистоннинг бутунжаҳон хунармандлар

кенгаши раислигига танлангани бежиз эмаслигини, юртимизда маданият ва санъатни ривожлантириш, хусусан, хунармандчиликни қўллаб-қувватлаш, унинг жамият ҳаётидаги ўрнини қучайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Кўргазманинг биринчи куни махсулотлар улғуржи харидорлари учун йўналтирилди. Шунингдек, 15 нафар хунарманд аёл иштирокида Ластер университети орқали онлайн семинар ташкил этилди. Кўргазманинг иккинчи куни қўлолчилик, каштачилик, қўғирчоқ ясаш каби турли хунармандчилик йўналишларида ҳам семинарлар бўлиб ўтди.

— 1992 йилдан буён кўргазмаларга қатнашиб келамиз, пандемия бу жараёни бироз тўхтатиб қўйганди, мана, яна давом эта бошлади, — дейди бухорлик Зухро Облобердиева. — 2020 йилда “Хунарманд” уюшмаси ёрдами билан Европанинг 16 та давлатидаги кўргазмаларда иштирок этдим. Меҳнатларим Президентимиз томонидан эътироф этилиб, ўша йили “Дўстлик” ордени билан тақдирлан-



дим. Бугунги кўргазма мамлакатимиздаги халқ амалий санъати иходкорлари учун яхши янгилик. Хунармандларнинг барчаси бундай тадбирларни соинган. Дарҳақиқат, хунармандларни янада қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли, айниқса, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш энг муҳим вазифалардан. Бу давлатимиз раҳбарининг сайловолди дастурида ҳам ўз аксини топган. Дастурга кўра, эндиликда касбга йўналтириш қўлами 2 баробар

оширилиб, жами 1 миллион нафар ишсиз фуқаро касб-хунарларга ўқитилади ва бу жараёнда нодавлат таълим муассасаларининг иштироки 30 фоизга етказилади.

Хотин-қизларни ўқитиш, касб-хунар ва тадбиркорликка ўргатиш ҳамда уларнинг ишлаши учун шaroит яратиш орқали аёллар ишсизлиги даражаси 2 марта қамайтирилади. 700 мингдан зиёд ишсиз хотин-қизлар давлат ҳисобидан касб-хунарга ўқитилади.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДУК

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашир индекси — 236. **Буюртма** — 3966.

75974 нусхада босилди.
Ҳажми — 4 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоиси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона маъини: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Абдурауф Қоржоев
Мусахҳис: Малюхат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзиллими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎА яқуни — 23:15 Топширилди — 01:35